БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши № 19 (12.372) | Чоршанба, 23 январь 1963 йил | Баҳоси 2 тийин.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ



ЯНГИ АГРЕГАТ

ФАРҒОНА. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Роза Люксембург номли Фарғона пилла қайнатиш фабрикасининг новаторлари И. Вилькин ва А. Ивзнов ўртоқлар пилла қолдиқларини қайта ишлайдиган янги агрегат яратдилар. Одатда пилла пишириб, учи топилгач, ипаги йиғирилади. Пишириллган пилланинг учини топиш учун анча меҳнат ва вақт сарфланади. Анчагина соф ипак лашга айланиб кетади. Лаш чиқиндиси ҳисобланиб, ундан шу вақтгача фойдаланилмас эди.

Яратилган янги агрегат қолдиқ —лашларни қайта ишлайди, тозалайди. Ипагини ажратиб, йиғириб беради. Агрегат фабрикада синаб кўрилди. Натижалар қуйидагича. Агрегат соатига 60 килограмм пилла қолдиғини ишлай олади.

Ўрта Осиёдаги пилла қайнатиш корхоналарида бу агрегат жорий этилса, йилига 1.280 тонна соф ипак ва бошқа маҳсулотлар олиш мумкин. Бу, корхоналарга ҳам, давлатга ҳам катта фойда келтиради.

ОҚ ЙЎЛ, ДАРЁЧИЛАР!

ТЕРМИЗ. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Дарё портининг кемачилари етти йилликнинг бешинчи йили юкларини муддатидан олдин манзилга етказиб бериш учун социалистик мусобақани авж олдириб юборишдилар. Ўртоқ Жўраев капитанлик қилаётган «Ломоносов» кемасининг коммунистик меҳнат коллективи январь ойи юк ташиш топшириғини муддатидан бир ҳафта олдин бажариш учун курашяпти.

14 январь куни кема 1300 тонна халқ хўжалик юклари ортилган тўрт баржани тиркаб белгиланган графикдан 20 соат олдин кардош Тожикистоннинг Қўйи Панж портига етиб борди.

Бу илғор экипаж аъзолари 1962 йил топшириғини 129 процент бажарган эди. Улар етти йилликнинг бешинчи йилида юк ташиш, ортиш ва тушириш топшириқларини Улуғ Октябрь революциясининг 46 йиллиги кунигача бажариш мажбуриятини олдилар.

«Таштекстильмаш» заводида йиғирув машиналарининг 200 дан ортиқ детали капрон, полистерол ва бошқа пластмасса буюмлардан тайёрланмоқда. Машина қисмларининг пластмассадан тайёрланиши натижасида уларнинг вазни енгиллашди, кўплаб пўлат ва рангли металлар тежалмоқда. Суратда: участка контролёри Г. КАМАЛИЕВА ва мастер А. УЛИБИН ўртоқлар капрондан тайёрланган детални ўздан кечирмоқдалар.

А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Урганчга Бухоро табиий гази етиб келганлиги ҳақида хабар қилинган эди. Шу кунларда шаҳардаги саноат корхоналари ва хонадонларга «зангори олов»ни тезроқ етказиб бериш учун тайёргарлик ишлари кучайтириб юборилди. Суратда: қувур ётқизиш пайти.

О. Ёқубов фотоси.

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА 18 МАШИНА

Маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан 1965 йил мартасига етиб олган «Ташсельмаш» заводи коллективи сайлов олди мусобақасини авж олдирмоқда. Корхона меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советлари сайловлари шарафига оширилган мажбуриятлар олишди. Йиғув цехи коллективи йиллик планни 25 декабргача бажариш, планда белгиланганига нисбатан 100 та «зангори кема» тайёрлашга аҳд қилган.

Сўзи билан иши бир машинасозлар кун сайин графикни орттириб бажаришга муваффақ бўлмоқдалар. Бугунгача планга қўшимча равишда 18 та пахта териш машинаси ишлаб чиқарилди. Бу, олинган мажбуриятни шараф билан бажариш йўлида қўлга киритилган дастлабки муваффақиятдир.

Г. ДЕМИДОВ.

ЕТТИТА НАСОС ТАЙЁР

Аму-Қоракўл канали қурувчилари Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советлари сайловлари шарафига вахтада туриб ишлаб, меҳнатда яхши натижаларга эришмоқдалар. 54 километр узунликдаги ер қазиш ишлари тугалланди. Бу зафарга экскаваторчи Ф. Жабборов, И. Малинин, бульдозерчи Қ. Жумаев, Р. Муҳиддинов ўртоқлар муносиб ҳисса қўшдилар.

Каналнинг Олот участкасидаги насос станциясида 7 та насос муддатидан илгари фойдаланишга топширилди. Бу насослар Амударё сувини 8 метр баландликка кўтариб, далаларга об-ҳаёт элтади. Секундига 7 кубометр сув чиқазадиган Қоракўл насос станцияси қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилаётир. Бу станция битказилгач, 45 минг гектар янги ерни суғоради.

Ш. АМИНОВ,
Бухоро области.

КЎНЧИЛАР АҲДИ

Самарқандаги Охунбобоев номли кўн заводининг меҳнатсевар коллективи ўтган йили планга қўшимча равишда 339 минг сўмлик ялпи маҳсулот ва 803 минг 200 квадрат дециметр кўн ишлаб чиқариб меҳнат унумдорлигини 2,9 процент оширган эди.

Илғор коллектив бу йил 1962 йилдагидан 5 миллион квадрат дециметр ортиқ кўн ишлаб чиқаришга қарор қилди.

И. АБДУРАҲМОНОВ.

1963 ЙИЛА

Ҳосилга пухта ЗАМИН ЯРАТАЙЛИК!

ҲОСИЛДОРЛИК ОШАДИ

Поп районидаги «Коммунизм» колхозининг пахтакорлари ўтган йили пахта тайёрлаш планини анча ошириб бажарган эдилар. Колхозда ҳосилдорлик ҳам анча ошди. Уста пахтакорлар ана шу ютуқларни янада мустаҳкамлаш, бу йил ҳосилдорликни гектар бошига энг камида яна уч центнер ошириш учун кўклам экишига тайёргарлик ишларини қизитиб юборишдилар.

Колхознинг Абдуқодир Унаров, Роҳатой Алиёрова, Абдураҳим Ғаниев, Мадамин Турсунов ўртоқлар бошлиқ бригадаларининг ҳамма майдонлари агротехника қоидалари асосида минерал ва маҳаллий ўғит солиниб, сифатли шудгор қилинди. Ҳозир бу бригадаларда маҳаллий ўғит жамғариш тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Абдуқодир Унаров бошлиқ коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашаётган бригада аъзолари ҳозирдаёқ далага 500 тоннадан ортиқ ғўнг ташиб чиқардилар. Бу бригада экин майдонларининг ҳар гектаридан ўтган йилги 36 центнер ўрнига 42 центнердан ҳосил кўтариш учун экишга тайёргарлик ишларини сифатли ўтказмоқда.

Сув йўлларини равон қилиб қўйган деҳқон саратонда ютади, Шу мақсадда колхозда ариқлар тозалаб қўйилди. Марказий Фарғонанинг Найман массивида колхознинг 200 гектардан ортиқ ери бор. Алоҳида сувчилар бригадаси тузилиб, улар ана шу майдонларнинг шўрини ювмоқдалар.

Далага маҳаллий ўғит чиқариш ҳам қизғин. 200 дан ортиқ колхозчи 16 та арава, 10 автомашина ва бошқа транспорт воситаларидан самарали фойдаланиб, далага ҳар куни 100-110 тонна ўғит чиқариб тўкмоқда. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши колхозда кўклам экишини ўз вақтида сифатли ўтказиш, ҳосилдорликни ошириш имконини беради.

М. ҲИКМАТОВ.

ШУДГОРЛАШ ИЛҒОРЛАРИ

Навоий ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли колхоз ва совхозлар шудгорлашни Бухоро областида биринчи бўлиб тамомладилар. 26 минг гектар ер ҳайдаб қўйилди.

Шўр ювиш ва техникани ремонт қилиш суръатлари кун сайин кучайиб бормоқда. Ҳар куни 120 автомашина, 100 дан ортиқ трактор тележкалари ўғит ташимоқда. Пахтакорлар март ойининг охиригача ҳайдаладиган ҳар гектар ерга камида 10-12 тонна маҳаллий ўғит солишга қарор қилдилар.

Барча кузги-қишки ишлар қатъий график асосида олиб борилмоқда. Бу график колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари билан биргаликда ишлаб чиқариш бошқармасининг мутахассислари томонидан тузилган.

ИПАК ПАХТА КОНИ

«Меҳнат роҳат» колхозини сурхондарёликлар ипак пахта кони дейишади. Ҳақиқатан ҳам ўтган йили бу колхоз аъзолари Ватан хазинасига 6 минг 200 тонна «оқ олтин» тўкдилар. Колхозда ялпи ҳосил бир йил ичида 400 тонна кўпайди.

— КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорларини бажара бориб, бу йил ҳосилдорликни гектар бошига ўртача 30 центнерга етказиш ва давлатга салкам 7 минг тонна пахта топширишни кўзлаб қўйдик, — дейди Жарқўрғон районидаги бу машъал колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Н. Боймуродов.

Ҳозир колхозда ишлар қизғин борянти. Хўжалик йилини якунлаш билан бирга колхоз кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш, мўл ҳосилга мустаҳкам замин ҳозирлаш тадбирлари кўрилмоқда. 1000 гектардан ортиқ ер ҳайдалиб, ҳар гектар ер ҳисобига далага 4-5 тоннадан маҳаллий ўғит чиқариб тўкилди. Ариқ-зовурларни тозалашни Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайлов кунигача тамомлаш учун ҳаракат қилинмоқда.

С. ҲИДОЯТОВ.

ШУДГОРЛАШ ТУГАЛЛАНДИ

Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози шудгорлаш планини ортиғи билан адо этди. 1820 гектар ер 30-32 сантиметр чуқурликда сифатли ҳайдаб қўйилди.

Колхоз бу йил 1350 гектар ерга чигит экиш, гектаридан 30 центнердан пахта етиштириш учун ҳозирдан пухта замин яратмоқда. Ҳайдаш олдидан ерга 4500 тонна маҳаллий ўғит ва 300 тонна суперфосфат солинди. Ҳозир ариқ-зовурларни тозалаш ва бошқа ишлар ҳам қизғин бормоқда.

Ў. МАРДОНБОЕВ,
«Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз мухбири.

НЎХАТ ВА БОШҚА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАРНИ КЎП ЭКАЙЛИК

Кеча Тошкентда Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигининг биносида нўхат ва бошқа дуккакли экинларни кўпроқ етиштиришга бағишланган республика семинари очилди. Семинарда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область бошқармалари, ишлаб чиқариш бошқармаларининг бош агрономлари, бош инженерлари ва бошқа мутахассислар қатнашмоқдалар.

Семинар машғулотлари Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрининг ўринбосари В. Г. Макотранинг қисқача кириш нутқи билан бошланди. Семинарнинг биринчи куни сугориладиган ҳамда лалмикор ерларда нўхат ва бошқа дуккакли экинларни парвариш қилиш, унинг агротехникасини яхшилаш, сара сортлар етиштириш, нўхат ва бошқа дуккакли экинларнинг алмашлаб экишни жорий қилишдаги аҳамияти тўғрисида назарий докладлар тингланди.

Семинарда қардош Украина ССР, Запорожье областидаги «Днепровский» совхози механизациялашган звеносининг бошлиғи М. Т. Ренов ҳам қатнашмоқда. Ўтган йили унинг звеноси гектаридан 30,4 центнердан нўхат олишга муваффақ бўлди.

Семинар қатнашчилари бугун, 23 январда нўхат ва бошқа дуккакли экинларни парвариш қилиш агротехникаси, янги механизация воситалари билан амалий равишда танишадилар.

БУХОРО БОШҚАРМАСИДА АҲВОЛ ЯНА ТАШВИШЛИ

Бухоро ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли ўн колхоз ва «Когон» пахтачилик совхози 1962 йилда пахта тайёрлаш планини бажара олмай давлатдан кўп қарздор бўлди.

Хўш, бунинг сабаби нима? Аввало шуки, ишлаб чиқариш бошқармасининг хўжаликларида мўл ҳосил учун кураш куздан бошланмайди. Кузги тадбирлар қишга, қишки ишлар эса баҳорга қолдирилади. Бунинг натижасида чигит экиш кечга сурилиб кетади.

Ишлаб чиқариш бошқармасининг раҳбарлари, колхозларнинг раҳбарлиелари бу аччиқ сабоқдан тегишли хулоса чиқариб олишлари керак эди. Афсуски, бундай бўлмаяпти. Мўл ҳосилга тайёргарлик ишларига қониқарсиз раҳбарлик қилинаётганлиги сабабли ўтган йили йўл қўйилган жиддий хато ва камчиликлар яна такрорланмоқда. Пахта майдонларини ҳайдаб қўйишни олайлик. 11 минг гектарга яқин ер шу вақтгача шудгор қилинган эмас. Бу ишда тракторлардан тўла ва унумли фойдаланилмаётир. Бошқарма хўжаликларидаги 252 ҳайдов тракторидан ҳар куни атиги 113-115 таси ишлатилмоқда. Уларнинг ҳам иш унуми жуда паст.

Айрим колхозларда аҳвол янада ачинарли. «Ленинград» колхозида 1993 гектар пахта майдонидан энди 900 гектари шудгор қилинди. Асосий экин майдони шудгор қилинмаганлигига қарамай колхозда ер ҳайдаш суръати тезлаштирилмаётир. Кунлик ер ҳайдаш графиги 40-50 процент ўртасида бажарилмоқда. Бунинг сабаби — тракторлардан ёмон фойдаланилаётганлигидир. Мавжуд ҳайдов тракторларининг қариб ярмиси бекор турибди. Механизаторларнинг унумли ишлашлари учун қулай шароит яратиб берилган эмас. Уларга далаларда кўп вақт иссиқ овқат қилиб берилмайди. Тракторчилар анча вақтларини ёнилги кутиш билан ўтказишади.

Лекин булар колхоз раиси ўртоқ Ж. Камоловни заррача ташвишлантирмаётир. У далада камдан-кам бўлади, бўлганда ҳам камчиликларни ўрганишга қизиқмайди, содир бўлаётган нуқсонларни тузатиш тадбирларини кўрмайди. Ўртоқ Камолов қишки тадбирларни кучайтириш, шудгорлашни қисқа вақт ичида тугаллаш ҳақида далачилик бригадаларининг бошлиқларидан ваъда олиш билан чегараланиб қолмоқда.

«Янги турмуш» колхози илғорлари Бухоро районининг энг юқори ҳосилли, иқтисодий жиҳатдан бақувват хўжаликларидан бири эди. Лекин кейинги йилларда бу колхоз қолоқ хўжаликлар қаторига тушиб қолди. Бунинг асосий айбдори колхоз раиси ўртоқ М. Муҳаммадиевдир. Чунки у кибрланиб, сўнгги вақтларда колхозга раҳбарликни бўшаштириб юборди, колхозчиларнинг фикри билан ҳисоблашмай қўйди. Колхозда ўтган йили пахта тайёрлаш планининг бажарилмаслигига ана шулар сабаб бўлди. Ўртоқ М. Муҳаммадиев мўл ҳосилга тайёргарлик ишларини бу йил ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйди. Колхозда экин майдонларини шудгорлаш, далага маҳаллий ўғит чиқариб тўкиш ариқ-зовурларни тозалаш ва бошқа қишки тадбирлар шу вақтгача кучайтириб юборилган эмас.

Бошқарма хизмат қиладиган хўжаликлардаги экин майдонларининг қариб 85 процента шўрхокдир. Бу ерларнинг шўрини йўқотмасдан туриб, экинлардан мўл ҳосил олиб бўлмайди. Тупроқнинг шўрини яхши ювиб йўқотиш учун сув етарли. Жўйзор, Чорбакир, Қубдин ариқларида сув айниқса кўп. Лекин бу сувлардан шўр ювишда самарали фойдаланилмаётир. Натижада шўр ювиш кечиктириб юборилмоқда. 40 минг гектардан ортиқроқ шўрхок ердан ҳали 2 минг гектар ернинг ҳам шўри ювилгани йўқ. Бошқармадаги «Пахтакор», «Маданият», Фрунзе номли, «Правда» колхозларида щўр ювишга иккинчи даражали иш деб қаралмоқда. «Правда» колхозида 1796 гектар ердан бор-йўғи 37 гектар экин майдонида шўр ювиш ўтказилганлиги ана шундан далолат беради.

Ишлаб чиқариш бошқармасининг хўжаликлари бу йил 62 минг 317 тонна «оқ олтин» етиштиришлари керак. Бу вазданинг муваффақиятли бажарилиши учун мўл ҳосилга шу кунларда пухта замин яратиш лозим. Лекин бошқарма ва унинг партия комитети бу ҳақда жиддий ўйламаётир. Бошқарма партия комитетининг ва бошқармаларнинг раҳбар ходимлари қишки тадбирларни ўтказишда содир бўлаётган камчиликларни тузатиш учун конкрет тадбирларни кўришлари керак.

А. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

САМИМИЯТ ВА ДЎСТЛИК ВАЗИЯТИДА

БЕРЛИН, 22 январь. (ТАСС). Германия Бирлашган социалистик партиясининг VI съезди муносабати билан Германия Бирлашган социалистик партиясининг Марказий Комитети кеча кечқурун қабул маросими ўтказди. Марказий Комитет сайлаган Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Ульбрихт бошчилигидаги Сиёсий бюро аъзолари ва Сиёсий бюро аъзолигига кандидатлар қабул маросимида қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчев бошчилигидаги КПСС делегацияси, шунингдек VI съезд ишида қатнашган 70 дан кўпроқ коммунистик ва ишчи партияларнинг вакиллари қабул маросимида ҳозир бўлдилар. Қабул маросимида Давлат кенгаши, Халқ палатаси президиуми, Министрлар Совети президиуми, демократик Германия Миллий фронти Миллий кенгаши президиумининг аъзолари, демократик партиялар ва оммавий ташкилотларнинг вакиллари, жамоатчилик вакиллари, партия ветеранлари ҳам қатнашдилар.

Қабул маросими самимият ва дўстлик вазиятида ўтди.

ГЕКТАРИГА 10 ТОННАДАН ЎҒИТ

Марҳамат районидаги «Ўзбекистон» колхозида ҳар гектар ерга камида 10 тоннадан маҳаллий ўғит солиш планлаштирилган. Шоферлар, аравакашлар бу топшириқнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш учун ғайратларига-ғайрат қўшиб ишламоқдалар.

Т. АҲМАДАЛИЕВ,
Қ. ҲАСАНОВ.

ДАДАЖОНОВ ИЗДОШЛАРИ

Мамажон Дадажоновни ҳозир бутун республика билади. Андижон область, Марҳамат районидаги Ленин номли колхозининг Мамажон бошлиқ комплекс механизациялашган бригадасининг довруғи тилларда достон бўлди. Чиндан ҳам бригада аъзолари ажойиб иш қилдилар. Бригадада етиштирилган ҳосилнинг ярмидан кўпроғи машиналарда териб олинди. Мамажон Дадажоновнинг ўзи эса «ХВС-1,2» агрегати бункеридан хирмонга 300 тоннадан ортиқ «оқ олтин» тўкди. Ғўза парваришида ва ҳосилни териб олишда механизациядан кенг фойдаланилганлиги туфайли бригадада ҳосил таннархи арзонга тушди. 1 центнер пахта етиштириш учун ҳаммаси бўлиб 14 сўм 50 тийин сарфланди. Шунингдек, ҳосилни ташишда ҳам илғор метод — қоп-қанорсиз ташишга катта аҳамият берилди.

Колхоз аъзоларининг яқинда бўлиб ўтган умумий йиғилишида Мамажон яна янги ташаббус кўтариб чиқди. У, ҳар бир далачилик бригадасига механизатор бошчилик қилиши керак, шундай бўлганда пахтачилик ишларида комплекс механизацияга кенг йўл очилади, деди. Ишлар Мамажоннинг сўзини қизғин кутиб олдилар. Фақат Ленин номли колхозининг ўзидагина 6 механизатор Мамажоннинг таклифига қўшилиб, далачилик бригадасига бошчилик қилиш истагини билдирди. Ҳозир Андижон областининг колхоз ва совхозларидаги юзлаб механизаторлар Мамажон изидан бормоқдалар.

СУРАТДА: (чапдан) Мамажон ДАДАЖОНОВ ва унинг издошлари — Умаржон ҲАЙДАРОВ, Норали ЎРИНБОЕВ, Олим АЛИМАТОВ, Умар ОТАЖОНОВ, Ражабали РАҲИМҚУЛОВ ва Тўхтамурод ТИЛАКОВ ўртоқлар.

С. Безносов фотоси.

Шу кунларда Наманган шаҳридаги 2-кутубхона гавжум. Бу ерга ёшлар, кексалар, ишчилар ва студентлар келиб, газета-журналлар, сиёсий ва бадиий адабиётлар ўқийдилар. Агитаторлар эса сайлов олди тушунтириш ишларини олиб бориш учун материаллар танлайдилар. СУРАТДА: кутубхонанинг ўқиш зали.

М. Гарипов фотоси.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ТАЖРИБА АЛМАШУВ СЕМИНАРИ

Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитети бошлағич партия ташкилотлари секретарларининг тажриба алмашув семинарини ўтказди. Семинарда «Северний маяк» колхози партия комитетининг секретари Дя Чан Гин ва 1-«Оҳангарон» совхози партия комитетининг секретари М. Йўлдошев ўртоқлар сиёсий маориф тўгаракларининг иши ҳақида, наслчилик совхози партия комитетининг секретари Ўртоқ Р. Йўлдошев совхоз партия комитетининг бўлим партия ташкилотларига қандай раҳбарлик қилаётгани тўғрисида сўзлаб бердилар.

«Партия XXII съезди» ва «Полярная звезда» колхозлари партия комитетларининг секретарлари Т. Одилов ва К. А. Ким ўртоқлар бригада партия ташкилотларида партиявий-ташкилий ва сиёсий-тарбиявий ишларни уюштиришдаги тажрибаларини ўртоқлашдилар.

У. ЙЎЛДОШЕВ.

МЕҲНАТ ВА ШОН-ШУҲРАТ ҲАҚИДА

Донгдор қаҳрамон, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Любовь Линнинг «Меҳнат ва шон-шуҳрат ҳақида»ги мақоласи Фарғона область Ленинград ишлаб чиқариш бошқармасидаги Охунбобоев номли колхоз аъзолари қалбидан чуқур жой олди. Агитаторлар колхозчилар ўртасида ўтказаётган суҳбатларини ана шу темага бағишламоқдалар.

Суҳбатларда оддий колхозчилар сўз олиб, қаҳрамонликларни якка кишилар эмас, балки ягона мақсад ва ғояга эга бўлган бир маслакдаги кишилар коллективи яратишини ўз колхозлари бригадалари иши мисолида кўрсатиб бермоқдалар.

Н. РАУФЖОНОВ.

УРГАН, ТАҚҚОСЛА, ЖОРИЙ ЭТ

Гиждувон ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Ленин номли колхоз партия ташкилотининг ташаббуси билан радиогазета ташкил қилинди. Жамоатчилик асосида ишлайдиган бу радиогазета атрофига комсомол-ёшлар, турли соҳаларнинг мутахассислари жалб этилган. Ҳар ҳафтанинг сешанба куни радиогазетанинг махсус эшиттириши бўлади. Унинг программасида кундалик янгиликлар, колхоз қишлоғининг кўп қирали ҳаёти, шунингдек «Ўрган, таққосла, жорий эт», «Идеология ва ҳаёт», «Кўшни колхоз илғорларининг тажрибаси сен учун!» ва шу сингари эшиттиришлар бор.

Радиогазетанинг сўнгги эшиттиришида илғор бригада бошлиғи Малика Асадова, сут соғувчи Норойби Қурбонова, тюпкочи звено бошлиғи Шукур Саидов ўртоқлар ўз иш тажрибалари ҳақида сўзлаб бердилар.

Я. ТУРМУҲАМЕДОВ,
Т. ҚУРБОНОВ.

ТЕМАТИК КЕЧА

Марғилон шаҳар. Теректаги маҳалласи клубида «Мактаб ва она» деган темада ота-оналар кечаси бўлиб ўтди. 16-мактабнинг илмий бўлим мудири Б. Аспияева «Мактаб ёшидаги болаларнинг меҳнат тарбияси», сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамиат аъзоси Р. Дадажонов «КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорлари ҳаётда» деган темаларда лекция ўқидилар.

Лекциядан сўнг қаҳрамон она, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Нажия Ализова ўз оиласида болаларини қандай тарбиялаётгани ҳақида сўзлаб берди.

М. ДАДАЖОНОВ.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» ВА ЎЗТАГ МУХБИРЛАРИДАН

САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ СОСТАВИГА НОМЗОДЛАР

Республика пойтахтида сайлов кампанияси тобора авж олмоқда. Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари тузилмоқда. Шаҳар корхоналари, қурилишлари, муассасалари ва ўқув юртларининг коллективлари, партия ва жамоат ташкилотлари бу комиссиялар составига ўзларининг намунали ишлари, жамоат ҳаётида актив иштироки билан ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлган кишиларни кўрсатмоқдалар.

«Ташсельмаш» заводининг коммунистлари Сельмаш сайлов округи округ сайлов комиссияси составига корхонанинг бош инженери И. И. Мойсинович номзодини кўрсатдилар. 153-қурилиш трести коллективининг сайлов олди йиғилишида Чилонзор сайлов округи комиссияси ишида қатнашиш учун бетончи Ю. Комиловни юборишга қарор қилинди. Трестнинг касаба союз ташкилоти Волгоград сайлов округи комиссиясига экономист И. С. Зубковни кўрсатди. 42-мактаб ўқитувчиси М. В. Малахова мактаб партия ташкилотининг қарорига мувофиқ, Ломоносов сайлов округи округ сайлов комиссиясининг составига номзод қилиб кўрсатилди. Округ сайлов комиссиялари составига кўрсатилган номзодлар орасида — Ўзбекистон ССР Давлат нашриётининг директори Ф. Ю. Юнусов, тўқимачилик комбинати медицина-санитария қисмининг бошлиғи А. Камолов, Марказий телеграфнинг телеграфисти С. Гатина ва меҳнаткашларнинг бошқа вакиллари бор.

* * *

Қўқон корхоналари, қурилишлари ва муассасаларида ўтаётган йиғилишларда меҳнаткашлар Ўзбекистон ССР Олий Советига ва маҳаллий Советларга сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари составига ўз вакилларини кўрсатмоқдалар.

Суперфосфат заводи коллективи республика Олий Советига сайлов ўтказувчи Темир йўл сайлов округи комиссияси составига завод план бўлимининг бошлиғи Р. В. Поляковани, рандачи А. Расуловни, корхона партия комитетининг секретари С. Пўлатовни тавсия қилди. Ломоносов сайлов округидан Фарғона меҳнаткашлар депутатлари саноат область Советига сайлов ўтказувчи комиссия составига химиклар гугурт-кислота цехининг аппаратчиси И. Н. Мошковни, лаборант Г. С. Даниловани, бухгалтер Н. Г. Киреевани кўрсатдилар. Фарғона темир йўл бўлими бошқармаси коллективи Тўқимачилик сайлов округидан Фарғона саноат область Советига сайлов ўтказувчи округ комиссияси составига сув таъминоти мастери Г. П. Михайловни, бўлим смета группасининг старший инженери М. Абдуллаевни тавсия қилди.

* * *

Андижон саноат область ижроия комитетининг қарорига мувофиқ, меҳнаткашлар депутатларининг Андижон, Наманган ва Ленинск шаҳар Советларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиялари тузилди. Комиссиялар составига ишлаб чиқариш илғорлари, инженер-техник ходимлар, интеллигенция вакиллари кирди.

Андижон шаҳар сайлов комиссияси составида «Коммунар» заводининг қуювчиси А. Сатторов, паровоз депосининг машинисти Н. Н. Куфлин, 1-тикув фабрикасининг технологи З. М. Кодинцева бор. Наманган меҳнаткашлари шаҳар сайлов комиссиясига 10-қурилиш трестининг старший инженери Л. М. Додоновни, 11-автобаза слесари В. А. Марусични, шаҳар маориф бўлимининг инспектори М. Холиқовни тавсия қилдилар. 1/2-пахта заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари меҳнаткашлар депутатлари Ленинск шаҳар Советига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси составига илғор ишчи-электр пайвандчиси А. С. Ростовцевани номзодини кўрсатдилар.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИГА САЙЛОВЛАР БЎЙИЧА САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ ТУЗИЛДИ

НУКУС, 21 январь. Қорақалпоғистон Автоном республикасида меҳнаткашлар депутатлари шаҳар, район, овул ва посёлка Советларига сайловлар бўйича 4580 сайлов округи тузилди. Бу эса илгарги сайлов кампаниясидагига қараганда 410 округ кўп рақамдир.

Устюрт ясси тоғлигида биринчи марта сайлов округлари ташкил этилди. Бу жойда нефть ва газ разведкачиларининг шаҳарчалари пайдо бўлди. Амударё районида овул Советларига депутатлар сайлаш бўйича сайлов округларининг сони анча ошди. Республикага бўйсунувчи шаҳарга айланган Хўжайли меҳнаткашлари ўз шаҳар Советига олдинги сайловдагига қараганда икки баравар кўп депутат сайлайдилар.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ СОСТАВИ ТАСДИҚЛАНДИ

Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг Президиуми автоном республика Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг составини тасдиқлаш тўғрисида Фармон чиқарди.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси қилиб У. С. Сапаров тасдиқланди. У, касаба союзлари Қорақалпоғистон область Совети томонидан тавсия этилди. Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари қилиб Н. Б. Мартемьянова тасдиқланди. У, Қорақалпоғистон педагогика институтининг студентлари ва профессор-ўқитувчилари коллективи томонидан кўрсатилди. Марказий сайлов комиссиясининг секретари қилиб С. Жумонов тасдиқланди. У, маданият ходимлари касаба союзининг Нукус ташкилоти томонидан тавсия этилди.

Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари қилиб қўйидагилар тасдиқланди: Ш. Ойназаров — «Кегайли» совхозининг ишчи ва хизматчилари коллективидан, Ф. С. Баракова — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг Мўйноқ район ташкилотидан, И. Жумабоев — Амударё колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасининг коммунистик партия ташкилотидан.

ҲАММАСИ ТАХТ

Янгиер бошқармасидаги агитаторлар ва қишлоқ интеллигентлари сайловчилар орасида суҳбат ва тушунтириш ишларини қизитиб юбордилар. Шу кунларда агитаторлар ва актив жамоатчилар сайловчиларни рўйхатга олмоқдалар.

Ўн бир минг аҳолиси бўлган «Фарҳод» посёлка Советида 6 агитпункт ташкил қилинди. Сайловчиларни рўйхатга олиш тугалланди. Посёлка Советининг депутатлари, ўқитувчилар ва бошқа активлар 5—10 тадан хонадонга бириктириб қўйилди. Улар аҳолига сайлов Низомини тушунтира бошладилар.

1-«Боёвут», 2-«Боёвут», «Дружба», «Чаноқ» совхозларидаги агитпунктлар коллективи ҳам яхши ишламоқда. Бу жойларда сайловчиларни рўйхатга олиш тугалланди.

Яқинда бошқарма агитаторларининг йиғилиши бўлиб, район ижроия комитети раисининг ўринбосари Ғ. Бекназаров, бошқарма партия комитетининг ходими Файзий ўртоқлар агитаторларнинг сайлов олди вазифалари тўғрисида суҳбатлашдилар.

МАҲАЛЛА КЛУБИДА

Тошкент шаҳар Фрунзе районидаги 3-Чарх Камалон маҳалласида аҳоли ўз кучи билан клуб қуриб олган эди. Кенг ва ёруғ бу клубда меҳнаткашлар ишдан қайтгач, роҳат қилиб хордиқ чиқармоқдалар. Клуб жуда шинам жиҳозланган. Хоҳлаганлар янги газета-журналлар ўқиши, шахмат-шашка ўйнаши, телевизор кўриши мумкин.

Ҳафтанинг шанба кунлари аҳоли учун турли темаларда лекция ва суҳбатлар уюштириб турилади.

Маҳалла комитети активлари томонидан яқинда уюштирилган атеистик кеча гоят мароқли ўтди.

Клубда Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловга тайёргарлик ишлари кенг авж олдириб юборилди.

ЛЕНИНЧА УМУМХАЛҚ КОНТРОЛИ

В. И. Лениннинг «Рабкринни қандай қилиб қайтадан ташкил қилишимиз керак» асарининг қирқ йиллигига

Владимир Ильич Ленининг бир неча саҳифадангина иборат бўлсада, лекин олам-олам мазмун касб этувчи ушбу асари Совет давлатининг равнақи, социализм ишининг ғалабаси учун ҳаёт-мамот кураши бораётган бир даврда ёзилди. Партия доно йўлбошчиси В. И. Ленин ишлаб чиққан ва мамлакатда капитализмни узил-кесил мағлубиятга учратиш, социализм ғалабасини таъминлашга қаратилган янги иқтисодий сиёсатни изчиллик билан ўтказа бориб, бу йўлда дастлабки ютуқларни қўлга киритган эди, қишлоқ хўжалигини, саноат ва транспортни тиклаш, мамлакат хўжалик ҳаётини жонлантириб юбориш партия ташкилотлари фаолиятининг асосий масалалари бўлиб турар эди. Социалистик қурилишнинг муваффақияти учун тинчлик керак эди. Партия В. И. Лениннинг, тинчликни сақлаш ва бутун кучни хўжаликни тиклашга сарфлаш учун тўла имкониятга эга бўлиш биз учун ҳар нарсадан ҳам қимматлидир, деган кўрсатмасига амал қилиб, икки системанинг — социализм ва капитализмнинг — тинч-тотув яшаши сиёсатини амалга оширмоқда эди.

Мамлакатимизда социализм қуриш планини ишлаб чиққан В. И. Ленин бу планни муваффақият билан амалга оширишнинг энг қудратли воситаси — юқоридан пастгача ташкил этилган контролга Совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидан бошлабоқ гоят катта аҳамият берди. Владимир Ильич бундай контролда меҳнаткашлар оммасининг **ҳаммасини**, эркакларни, айниқса **хотин-қизларни** қатнаштириш зарурлигини қайта-қайта таъкидлар эди. В. И. Ленин асарларида партия сиёсатининг, унинг жамиятни қайта қуриш соҳасидаги фаолиятининг муттасил амал қилувчи энг муҳим принципи сифатида контролнинг моҳияти ва вазифалари белгилаб берилди. В. И. Ленин Совет Республикасининг халқаро ва ички аҳволи тўғрисида металлистларнинг Бутун Россия съезди коммунистик фракциясининг мажлисида 1922 йил 6 мартда сўзлаган нутқида бундай деган эди: **«Кишиларни текшириш ва ишнинг ҳақиқий ижросини текшириш керак,**— бутун ишнинг, бутун сиёсатнинг моҳияти энди ана шундадир, фақат ва фақат шундадир».

В. И. Ленин ўз ҳаётининг сўнгги даврида яратган «Рабкринни қандай қилиб қайтадан ташкил этишимиз керак» ва «Оз бўлсин-у, соз бўлсин» деган асарларида давлатимизда контролни ташкил этиш принципларини ҳар томонлама ишлаб чиқди. «Мен,— деб кўрсатган эди Владимир Ильич,— ишимиз-сиёсатимиз, тактикамиз, стратегиямизнинг умумий плани қайта тузилган Рабкриннинг вазифалари билан... боғланиши керак, деб ўйлайман. Менимча, мана шулар бизнинг Рабкринг... Марказий Комитет ҳуқуқларига эга бўлган бошчилик ҳуқуқи беришимиз ва ҳоказо ва шунга ўхшаш ишларни бажаришимиз лозимлигини тақозо қилади». Лениннинг фикрича, контроль кенг меҳнаткашлар оммасига таянган ва бошқарувнинг ҳамма соҳаларини такомиллаштиришда партия ва давлатнинг ишончли қуроли бўлиб хизмат қилиши керак. Хўжалик ҳаёти мураккаблашиб бориши ва ишлаб чиқарувчи кучлар гоят кенг миқёсда ривожланиши билан оммавий контролнинг роли тинмай ортиб бориши лозим.

Владимир Ильич Ленин ҳаёт чоғида мамлакатимизда умумхалқ контролининг мунтазам системаси вужудга келтирилди. Жаҳоннинг бирорта ҳам давлатида бўлмаган энг демократик контроль системаси — Марказий Контроль Комиссияси — Ишчи-Деҳқон Инспекцияси бюрократларга ва сансалорчиларга қарши, ҳокимиятни суиистеъмол қилишга қарши, текинхўрларга ва халқ мулкини талонторож қилувчиларга қарши курашда партия ва давлат қўлида ўткир қурол бўлди. Социализм душманлари, текинхўрлар ва бюрократлар умумхалқнинг ана шу қудратли контролидан даҳшатга тушар эдилар. Контроль органларининг бутун фаолияти матбуот саҳифаларида кенг маълум қилинарди.

Мамлакатимизда контроль ишининг бунчалик қудратли ва таъсирчанлигини таъминлаган ажойиб омиллардан бири шундан иборат эдики, партия ва давлат контролини бирга қўшиб олиб бориш зарурлиги тўғрисидаги ленинча идея амалга оширилган эди. В. И. Ленин Ишчи-Деҳқон Инспекцияси олдида турган гоят юксак вазифаларни таъкидлаб, бундай деган эди: «Мен Рабкринимизнинг вазифалари ана шундай юқори вазифалардан иборат бўлишини орзу киламан. Мана шунинг учун мен партиянинг энг эътиборли юқори қатламини «оддий» халқ комиссарлик билан қўшиш планини илгари сураман». Ишчи-Деҳқон Инспекцияси билан Марказий Контроль Комиссиясининг қўшилишидан бутун партия, унинг Марказий Комитети жуда манфаатдор эди, чунки Марказий Комитет, деган эди Владимир Ильич, Марказий Контроль Комиссияси — Ишчи-Деҳқон Инспекцияси орқали омма билан яқинроқ алоқа боғлайди, аҳволдан кўпроқ хабардор бўлади ва Марказий Комитет жамият ҳаётининг ҳамма масалаларини тўғрироқ ҳал қиладиган бўлади.

В. И. Ленин контроль ишининг фавқулодда бир чора бўлмай, балки унинг доимий тадбир бўлишини, шунингдек тарбиявий аҳамиятини алоҳида таъкидлаб кўрсатарди. У ўзининг ишчи-деҳқон инспекцияси вазифалари, бу вазифаларни тушуниш ва уларни бажариш тўғрисидаги масалага доир хатида: «Ишчи-деҳқон инспекциясининг вазифаси — фақатгина «тутиш»дан, «фош қилиш»дан иборат эмас (бу — суднинг вазифаси бўлиб, ишчи-деҳқон инспекцияси у билан яқин алоқададир, лекин айнан унга ўхшаган эмас) ва ҳаттоки асосан бундан иборат эмас, балки **тузата билишдан** иборатдир».— деб ёзди. В. И. Лениннинг фикрича, контролнинг асосий вазифаси ўз вақтида усталик билан тузатишдан иборатдир.

Ишчи-Деҳқон Инспекцияси (Рабкрин)ни қайтадан ташкил қилишнинг В. И. Ленин томонидан ишлаб чиқилган планини партиямизнинг XII съезди якдиллик билан қабул қилди. Ф. Э. Дзержинский бошчилигида тузилган комиссия ушбу масала юзасидан қарор проектини тайёрлаган эди. XII съезд қўшма контроль органи — Марказий Контроль Комиссияси — Ишчи-Деҳқон Инспекциясини тузди. Унга партия сафлари бирлигини сақлаш, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, давлат аппарати ишини социалистик қурилиш талабларига мувофиқ қайта қуриш сингари гоят муҳим вазифалар юклатилди. Марказий Контроль Комиссиясининг раиси ва Ишчи-Деҳқон Инспекцияси халқ комиссари қилиб партия Марказий Комитетининг секретари В. В. Куйбишев сайланди.

Ленин ҳаёт чоғида ва доҳийнинг вафотидан сўнгги йилларда амал қилинган бу қудратли воситa Сталиннинг шахсига сиғиниш даврида жуда заифлашиб қолган, унинг революцион моҳиятига қатиқ путур етказилган эди. Ҳаётбахш ленинча контроль идеяси шахсга сиғиниш идеологияси билан асло сиғиша олмади. Шахсга сиғиниш шароитида ягона партия-давлат контроли системаси ўрнига оммадан ажралиб қолган бюрократик контроль аппарати тузилди. Сталиннинг таклифи билан 1934 йилда икки контроль маркази — партия Марказий Комитети ҳузурида Партия контроль комиссияси ва СССР Халқ Комиссарлари Совети ҳузурида Совет контроль комиссияси тузилди. Контроль штатли ходимлар кучи билангина амалга ошириладиган бўлди. Ягона партия-давлат контроли идеясининг бузилгани, меҳнаткашлар оммаси аслида контроль қилишдан четлаштирилгани, контроль ошкоралиқдан маҳрум бўлиб қолганлиги унинг ролини йўқ қа чиқара ёзган эди. Оммага ишонмай қўйган, ишчи-деҳқонлардан ўзини бир четга олган, шу сабабдан партияга ҳам таянмай қўйган Сталинга тўрачилик асосига қурилган давлат контроли керак эди ва у ҳамма нарса ҳақида ана шу давлат контролининг текширишларига қараб ҳукм чиқарар эди.

Улуг Ленинни, унинг фаолиятини, доно идеяларини, маслаҳат ва кўрсатмаларини революцион ижодкорликнинг энг порлоқ намунаси, халқ бахт-саодати учун курашнинг зафар байроғи деб билган партиямиз Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми ўз қарорининг партия-давлат контроли соҳасидаги дастлабки пунктини қуйидагича таърифлади: мамлакатда контроль системаси қайта ташкил этилсин ва партия ҳамда давлат контролини бирга қўшиб олиб бориш, кенг меҳнаткашлар оммаси иштирок қиладиган доимий ишлаб турадиган ягона контроль системасини вужудга келтириш тўғрисида ленинча кўрсатмалар бунинг учун асос қилиб олинсин.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Партия-Давлат Контроли Комитетини тузди. Барча республикалар ва областларда унинг маҳаллий органлари тузилмоқда. Шундай қилиб, партия-давлат контролининг ленинча принципларини тамомила тиклаш ва мустаҳкамлаш учун жуда пухта замин яратилди.

Партиямиз Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми тарихий XXII съезд қарорларига ҳамда Лениннинг кўрсатмаларига амал қилиб, ҳозирги замон шароити, талаблари ва тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда партия-давлат контролининг вазифасини белгилаб берди: **КПСС Программасини бажаришда, партия ва ҳукумат директивалариннг бажарилишини систематик равишда текширишни уюштиришда, коммунистик қурилишга раҳбарликни тобора такомиллаштиришда, партия ва давлат интизомига ҳамда социалистик қонунларга риоя қилишда партия ва давлатга ёрдам бериш — партия-давлат контроли органларининг энг муҳим вазифаси, деб ҳисоблансин.**

КПСС ягона контролни партия ва давлат раҳбарлигини тинмай такомиллаштириш, меҳнаткашлар билан ўз алоқаларини янада мустаҳкамлаш, оммани давлат ва жамият ҳаётини бошқаришга кенг жалб этишнинг қудратли воситаси деб билади. Яқинда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланган КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Партия-Давлат Контроли Комитети ҳамда унинг жойларда тузиладиган органлари тўғрисидаги Низомда ҳам ана шу принциплар ўз ифодасини топган.

Ленинча тушунилган ва уюштирилган контролнинг бирдан бир куч ва таъсирчанлик манбаи унинг кенг меҳнаткашлар оммасига таяниб иш кўришидадир. Контроль ошкор ва оммавий бўлиши, амалда умумхалқ ишига айланиши керак. «Бизда 10 миллион партия аъзоси, 20 миллион комсомол, 66 миллион касаба союз аъзоси бор,— деди ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумида қилган доклади да. — Агар биз ана шу кучларнинг ҳаммасини ҳаракатга солиб, улардан контроль мақсадларида фойдалансак, ҳатто пашшанинг учиши ҳам сезилмай қолмас эди». Контроль органлари ўз зиммаларига юклатилган гоят муҳим вазифаларни коммунистлар, комсомоллар ва барча меҳнаткашларнинг актив иштирокисиз амалга ошира олмайдилар. Текинхўрлар, порахўрлар, муттаҳамлар, халқ бойлигига кўз олайтирган нопок шахслар суқилиб кирадиган йўл ва тўйнукларнинг ҳаммасини ишчилар, колхозчилар, интеллигентлар ва жамоат ташкилотларининг актив иштироки билангина маҳкам беркитиб қўйиш мумкин.

Мамлакатимизда ягона Партия-Давлат Контроли Комитети ва унинг жойларда тегишли органлари тузилиши контроль органларига ёрдам берувчи жамоатчи активлар сафини кенг ўстиришни тақозо этади. Партия ташкилотлари томонидан контроль органларида ишлаш учун ғоявий жиҳатдан чиниққан, принципиал ва тажрибали ходимлар, энг яхши коммунистларнинг юборилиши, ҳамма жойда партия-давлат контроли ишининг актив қувватланиши ишнинг муваффақиятини таъминлайдиган муҳим омилдир.

Совет халқи шонли етти йиллигининг тўртинчи йилини катта муваффақиятлар билан якунлаб, коммунизм сари қолибона юришнинг яна бир улкан йилини ғайрат билан бошлади. Совет кишиларининг коммунизм моддий-техника базасини яратишга қўшаётган ҳиссаси тинмай ўсиб бормоқда. Нурафшон манзилимиз — коммунизм сари қолибона ҳаракатимиз тобора тезлашмоқда. Ленинча ташкил этилган ва амалга оширилган партия-давлат контроли бу тарихий йўлдаги зафарларимизни янада кўпайтиришнинг қудратли воситаси бўлади.

Ҳ. НУРУЛЛАЕВ.

Самарқанд суперфосфат заводида янги хил ўғит — аммонийлаштирилган суперфосфат ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун кўпгина ташкилий-техника тадбирлари амалга оширилди. Лаборатория ходими Мунира Назарова бу ишларда актив қатнашди. Шу кунларда у минерал ўғитларнинг составини яхшилаш ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш устида ишлаётир. СУРАТДА: ўртоқ М. Назарова иш устида.

Г. Кузнецов фотоси.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ПЛАНДА ҚУРСАТИЛГАН ТОПШИРИҚДАН ҮЗИБ КЕТИЛДИ

Тошкент темир йўлининг Фарғона бўлими коллективи вагонлар оборотини тезлаштириш бўйича етти йилликнинг охирига кўзда тутилган топшириқни Тошкент магистрали транспортчилари ўртасида биринчи бўлиб бажарди. Бу ерда транзит поездларга жадал хизмат қилиш жорий этилди. Утган йили кўп юкли поездлар билан қўшимча равишда бир ярим миллион тонна халқ хўжалик юклари ташилди. Бунинг учун қўшимча равишда 500 состав тузиш талаб қилинар эди. (ЎзТАГ).

ҚАРДОШЛАР ЗАФАРИ — БИЗНИНГ ЗАФАРИМИЗ

БЕЛОРУССИЯДАН ХАБАРЛАР

ЮКНИ ЎЗИ ТУШИРГИЧ МАШИНА

Бобруйск постандарт ускуналар заводининг конструктор ва ишчилари «ЗИЛ-150» автомобилига қишлоқ хўжалиги юкларини ўзи туширадиган янги мослама ишлаб чиқдилар. Эндиликда машинани бошқарувчи шофернинг ўзи юк туширишни ишини ҳам бажараверади. Юк туширишни учун 1-2 минут вақт кифоя.

Автомобилни қайта ускуналаш учун кўп маблаг сарфланмайди.

ЦЕХЛАРДА СОВЕТЛАР

«Гомсельмаш» заводининг ҳамма цехларида техника экономика советлари тузилган. Ишлаб чиқариш ишлаб чиқарилар, экономистлар, инженерлар ва мастерлар—бу советларнинг аъзоси. Советларнинг бутун эътибори барча резерврларни ишга солиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштиришга қаратилган.

Яқинда корхонада техника-экономика конференцияси бўлиб ўтди. Конференция қатнашчилари янги техника ва илғор технологияни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, брaкларни камайтириш йўли билан қўйилма маҳсулотлар таннархини арзонлаштиришга қаратилган конкрет тадбирлар белгиладилар.

ЭНЕРГЕТИКНИНГ 100 ТАКЛИФИ

Белоруссия ГРЭСи лабораториясининг мастери Владимир Ануфриевич Станкевич оригинал электрон импульс прибор тайёрлади. Аппарат бункердаги ёқилғининг оз-кўплигини аниқлашда қўлланилади. Ундан фойдаланиш ёқилғи етказиб беришни механизациялаштиради.

В. Станкевич ГРЭСдаги иш фаолияти давомида 100 дан ортиқ қимматли таклиф киритди. Унинг таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этиш энергетика ускуналаридан фойдаланишни яхшилапти, меҳнат унумдорлигини тагин ҳам оширишга ёрдам бермоқда.

Техникани тараққий эттиришда эришган муваффақиятлари учун ихтирочи В. Станкевич Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи ва Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари выставкасининг бронза медали билан мукофотланди.

И. ТУРЕЦКИЙ.

ЧОРВА МОЛЛАРГА ЙИЛ БЎЙИ СИЛОС

Тошкент область, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг чорвадорлари чорва молларини йил давомида маккажўхори силоси билан боқиш соҳасидаги ўз ишларига якун ясадилар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Люба Ли бошлиқ бригада минг бошдан кўпроқ қорамолни маккажўхори силоси билан боқмоқда. Бу бригада ўтган йили 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 1979 центнердан кўкпоя ва нўхат ҳосили йиғиштириб олингандан кейин экилган 28 гектарлик участканинг ҳар гектаридан 400 центнердан қимматли маккажўхори озуқаси йиғиштириб олди. Ердаги траншеяларга 10 минг тоннадан кўпроқ силос бостирилди. Бу силос молларга табақалаштириб берилмоқда. Масалан, сигирларга бир кунда 40 килограммгача силос берилади. Молларга силос беда, аралаш озуқа, лавлаги, майда хашак, қовоқ, кунжара ва бошқа озуқа билан қўшиб берилади.

Бу тадбир сигирлардан сут соғиб олишни ва сут составидаги ёғни анча кўпайтирди. Ўтган йили 1119 тонна сут соғиб олинди. Бу эса, 1961 йилдагидан 100 тонна кўпроқ, бундан ўн йил муқаддам соғиб олинган сут миқдоридан 20 баравар кўпроқдир. 150 сигирни боқаётган колхознинг илғор сут соғувчиси Роза Квон «арча» агрегати ёрдами билан бир ўзи 451 тонна сут соғиб олди. У, етти йилликнинг бешинчи йилида бу кўрсаткични 470 тоннага етказишга қарор қилди.

Қишлоқ хўжалик артелининг меҳнаткашлари бу йил колхоздаги барча молларни бутун йил давомида маккажўхори силоси билан тўла таъминлаш имкониятини берадиган миқдорда маккажўхори етиштиришга аҳд қилдилар.

(ЎзТАГ).

ПЕШҚАДАМЛАР

Мастер Л. Остапенко, сим ўровчи Г. Хромов ва Н. Мингбоев ўртоқлар Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советлар сайловлари шарафига меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар.

Любовь Остапенко тайёрланган электр машиналарининг тўкис, юқори сифатли бўлишига алоҳида аҳамият беради. Шу сабабли, у кўздан кечирган машина ва ускуналар истеъмолчиларга манзур бўляпти. Сим ўровчи Геннадий Хромов ҳамда Нуриддин Мингбоев ўртоқлар эса ҳар сменада планга қўшимча маҳсулот тайёрлашмоқда.

Тошкент электр машинасозлиги заводида сайлов олди мусобақасининг пешқадамлари кўпаймоқда. Корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари ой сайин электр энергиясини узатадиган ҳамда тақсимлайдиган 800 та трансформатор, рўзғор вентиляторларидан 8 мингта тайёрлашга сўз беришган.

Суратда: (юқорида) сифат учун кураш мусобақасининг илғорлари мастер Л. Остапенко, (пастда). Г. Хромов ва Н. Мингбоев ўртоқлар.

И. Глауберзон фотолари.



МАДАНИЯТ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ

Халқ маданият университетлари тузила бошлаганига унча кўп вақт бўлганича йўқ. Ҳозир мамлакатимизда ўн минглаб бундай университетлар ишлаб турибди. Бу эса совет кишиларининг билимга, фан ва техника ютуқларини эгаллашга, адабиёт ва санъат дурдоналаридан баҳраманд бўлишга интилиши қанчалик улкан эканлигини кўрсатиб турибди. Маданият университетлари коммунистик жамият кишисини тарбиялашдек муҳим ишда маданият муассасаларига катта ёрдам кўрсатмоқда. Эндиликда маданият ходимлари завод ва фабрикалар билан, колхоз ва совхозлар билан, мактаб ва олий ўқув юртлари билан янада мустаҳкамроқ боғланмоқда. Бу соҳада уларга халқ маданият университетларининг ёрдами кўзга кўринарли бўлмоқда.

Ҳозирги кунда республикамизда юзлаб халқ университетлари мавжуд бўлиб, уларнинг адабиёт, театр, қишлоқ хўжалиги, экономика, соғлиқни сақлаш, педагогика ва бошқа соҳаларга доир факультетлари бор. Халқ университетлари шаҳар, район маданият уйлари ва саройларида, колхоз, совхоз ва қишлоқ клубларида, завод ва фабрикаларда, шунингдек, ўқув юртларида ташкил этилган. Ҳозирги пайтда республикамиздаги барча халқ университетларида партиямиз XXII съездининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми материаллари кенг ўрганилмоқда. Маданият университетларининг тингловчилари — колхозчилар, ишчилар, ўқитувчилар, уй иши билан шуғулланувчилар ва пенсионерлар фан ва техника ютуқлари билан танишмоқдалар, қишлоқ хўжалиги машъалларидан ва саноат корхоналари илғорларининг тажрибаларини ўрганмоқдалар, музика, адабиёт, тасвирий санъат ва театр санъати ҳақида лекциялар тинглаб, ўзларининг бадиий савияларини оширмоқдалар. Жамоатчилик асосида олиб борилаётган кўпгина халқ маданият университетларининг машғулотлари қизиқарли формаларда ўтмоқда. Машғулотларда кинофильмлар ва ҳаваскорлар тўгараклари коллективларининг концертларидан муваффақиятли фойдаланилмоқда.

Маданият университетлари ташкил қилиш ва ишини яхши йўлга қўйишда Бухоро, Фарғона, Сурхондарё ва Тошкент области маданият ходимлари анчагина ишлар қилдилар. Бухоро областида кейинги қисқа вақт ичида колхоз ва совхоз клублари қошида йигирмага яқин маданият университети ташкил этилди. Марғилон, Тошкент шаҳар маданият уйлари қошидаги, Бухоро районидаги «Маданият» колхози клубидаги, Чирчиқдаги химиклар маданият саройида ва Фарғона нефтчилари маданият саройидаги маданият университетларида ишлар юксак савияда олиб борилмоқда.

Қарши шаҳрида тузилган маданият университетининг ишидан намуна олса арзийди. Университет машғулотларига 70 тингловчи мунтазам қатнашиб туради. 9 кишидан иборат университет совети яхши раҳбарлик қилмоқда.

Бироқ хали маданият университетларини ташкил этиш ва уларнинг ишларини йўлга қўйишда катор жиддий камчиликлар бор. Айниқса, Самарқанд, Хоразм, Андижон областларида, шунингдек Қорақалпоғистон АССРда янги маданият университетлари ташкил этишга эътиборсизлик билан қаралмоқда. Бу жойларда колхоз ва совхоз маданият университетлари бармоқ билан санарли даражада.

Бизда экономика, саноат ва қишлоқ хўжалик фанларига бағишланган халқ университетлари жуда кам. Холбуки, бу университетлар қишлоқ хўжалиги ва саноатдаги илғор тажрибаларни оммалаштириш, бинобарин, колхоз ва совхозларда, саноат корхоналарида меҳнат унумдорлигини ошириш, фойдаланилмаётган ички резервларни қидириб топиш учун катта имконият яратган бўлур эди. Фарғона областининг Олтиариқ районида, Самарқанд областининг Норпой ва Жиззах, Хоразм областининг Янгиариқ ва Хева районларида маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари бундай университетларни ташкил этиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаётирлар.

Халқ маданият университетларининг истиқболи ва аҳамияти каттадир. Университетлар кенг халқ оммасининг коммунистик онглилигини ошириш, уларни гоявий, эстетик жиҳатдан тарбиялаш, фан ва техниканинг, саноат ва қишлоқ хўжалигининг илғор ютуқларини пропаганда қилишда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам жойлардаги партия ва совет ташкилотлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, маданият муассасаларининг ходимлари халқ маданият университетларининг сонини тобора кўпайтириш ва ишини яхшилаш учун жон қуйдиришлари лозим.

Б. НАСРИДДИНОВ,
Т. ОДИЛБЕКОВ,
республика халқ нжоди университетининг ходимлари.

Газчилар ғайрати

Газли конида иккинчи газ тўплаш пункти ишга туширилди. Натижада коннинг қуввати қарийб икки баравар ошди.

Бухоро кончилари ёқилғининг мамлакатда энг йирик бўлган манбаида ишлаб чиқариш қувватларини оширишни давом эттирмоқдалар. Қисқа муддат ичида Қизилқумда беш қудуқ фойдаланишга тайёрланиб қўйилади. Бу қудуқлар учинчи газ тўплаш пунктига уланади. Бу учинчи газ тўплаш пунктини шу йилнинг биринчи кварталида қуриш мўлжалланмоқда, Тўртинчи газ тўплаш пункти ҳам қурилмоқда. (ЎзТАГ).

Хотин-Қизлар ҳақида

Фабрика хотин-қизлари

Эрталабки смена ишчилари кенг ва ёруғ цехлардан чиқишаётган, кечкилари эса бирин-кетин кириб, уларнинг ўрнини эгаллаётган эди. Сўнчақчақ, очиқ кўнгилли Ойкарам опа бизни сменада бажарилган ишлар билан таништирди:

— Бу сменадаги ишимиз, — деди у, — ҳар галдагига қараганда унумли бўлди. 210 килограмм маҳсулот ишлаб чиқариб, топшириқни ошириб бажардик. Қозондаги пилланинг узилмай, агрегатларнинг бетўхтов ишлашини таъминлаяпмиз. Бирор калава ҳам брак бўлмади...

Ойкарам опа Умарова учун фабрика катта мактаб бўлди. У кўп йил бугловчи ва моталчи сўнгра смена мастерининг ёрдамчиси бўлиб ишлади. Кейинги ўн йилдан бери эса смена мастери. Тажрибали мастер раҳбарлик қилаётган смена ишчилари кечагидан бугун, бугунгидан эртага яхши ва баракали ишламоқдалар. Смена 1962 йил топшириғини муддатидан олдин адо этди. Маҳсулот таннархини камайтириб, сифатини яхшилади. Сменадаги 32 бригададан 13 таси нуқул биринчи сорт маҳсулот бермоқда.

— Пиллакашлик фабрикамизда, — деди иккинчи цех бошлиғи Нина Дмитровна Кравченко, — ҳамма агрегатларни хотин-қизлар бошқаряпти. Александра Павловна Рихлова, ёш инженер Лола Нормотова раҳбарлик қилаётган сменалар ҳам ойлик ва квартал планларини мунтазам ошириб бажармоқда. Цехимиздаги бу сменалар ва бригадалар коммунистчасига ишлаш ва яшаш учун ҳаракат қилмоқдалар. Ҳозир 31 та бригада, 4 та участка ана шундай унвон олишга муяссар бўлди.

Самарқанд шаҳридаги йирик саноат корхоналаридан бири — «Ҳужум» пиллакашлик фабрикасида асосан хотин-қизлар ишлайди. Фабрика раҳбарлари (директори О. П. Тероева, ишчилар комитетининг раиси М. Маматқулова ўртоқлар) уларнинг унумли ишлаши учун ҳамма шароитни яратиб берган. Ёш болали ишчилар учун намунали болалар боғча ва яслиси ишлаб турибди. Боғча ҳам, ясли ҳам фабрика ҳовлисидаги энг яхши, озода бинога жойлаштирилган. Унда 450 бола тарбиялانмоқда.

Фабрика ишчилари орасида оммавий-тарбиявий ишлар ҳам яхши йўлга қўйилган. Цехлар ва сменалар ўртасида олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши ҳар ҳафтада якунлаб борилади. Социалистик мусобақа қоғиблари тақдирлаб турилади.

Меҳнат унумини оширишга қаратилган бу тадбирлар самарали натижалар бераётир. Ойкарам Умарова, Александра Павловна Рихлова каби жонкуяр смена мастерларининг ташаббуси, фабрикадаги 21 миллат вакилларининг аҳил бўлиб ишлаши туфайли корхона ойлик ва квартал планларини тобора ошириб бажармоқда.

— Коммунистик меҳнат корхонаси номини олиш учун курашаётган ишчиларимиз, — деди фабрика директори Ольга Петровна Тероева, — кундан кунга унумлироқ ишламоқдалар. Биз етти йилликнинг ўтган тўрт йилини муваффақиятли якунладик. Пландан ташқари беш юз минг сўмликдан кўпроқ маҳсулот етказиб берилди.

Хотин-қизлар раҳбарлик қилаётган ва 1100 қиз-жувон ишлаётган бу корхонада бултур йиллик ишлаб чиқариш программаси 102,7 процент бажарилди. Фабрика коллективи меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган рационализаторлик ҳамда ихтирочилик таклифларини ишлаб чиқаришга кўплаб жорий этиш орқасида маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини анча камайтирди, топшириқни ошириб бажариб, 205 минг фойда олди.

Область колхозлари ва совхозларида пилла етиштириш йил сайин кўпайтириляпти. Шу муносабат билан пиллакашлик фабрикасида бу йил қўшимча яна бир смена ташкил қилинади, мавжуд цехлар кенгайтирилмоқда, эскирибқолган машина ва ускуналар модернизация қилинмоқда.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қароридан руҳланган фабрика хотин-қизлари 1963 йилнинг дастлабки кунларида янада унумлироқ ишламоқдалар.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

БИРДАНИГА УЧ ИШ БАЖАРИЛМОҚДА

Анча давом этган қаттиқ совуқдан кейин Хоразмда яна илиқ, қуёшли кунлар бошланди, қор эриди. Янгиариқ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли колхозлар қулай об-ҳавонинг ҳар бир соатидан фойдаланиб, суғориш шохобчаларини тозалашни тугалламоқдалар, далаларни ернинг шўрини ювишга тайёрламоқдалар.

Далаларни ғўзапоядан тезроқ тозалаш учун чизеллардан кенг фойдалакишига қарор қилинди. Илгари ғўзапоя уни йиғиштирадиган агрегатлар ёрдами билан қирқиб олинар эди. Бунда ғўзапоянинг илдизи ерда қолиб кетар эди. Сўнгра паншаха ва хаскашлар билан ғўзапояни бир жойга тўп-тўп қилиб йиғиштиришга тўғри келар эди. Эндиликда бу ишларнинг ҳаммаси чизель ёрдами билан бирданига бажарилмоқда. Бунда айни вақтда ер чуқур юмшатилади, тупроқни зарарли тузлардан самарали ювмоқ учун яхшироқ шароит вужудга келтирилади.

Киров номли, «Ўзбекистон» колхозлари ва бошқа бир қанча хўжаликлар ана шу прогрессив усулни қўлланиб, ҳозирдаёқ ғўзапоя йиғиштиришни тамомламоқдалар. Умуман, ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли хўжаликларда 15 минг гектардан кўпроқ майдондаги ғўзапоя йиғиштириб олинди. Далаларда ғўзапоя йиғиштирадиган ва чизель агрегатлардан 250 таси ишлаб турибди. (ЎзТАГ).

ҲАР БИР МАКТАБДА ОШХОНА ВА БУФЕТ БЎЛСИН

Мактаб таълими ҳаёт билан боғлаб олиб борилаётганлиги туфайли таълим-тарбия ишлари тобора яхшиланмоқда, ўқувчилар чуқур назарий билим олиш билан бирликда фойдали меҳнат билан шуғулланиб, турли ҳунар ва ихтисосларни эгалламоқдалар. Республикамиздаги кўпгина мактабларда дарс машғулотларининг бир сменага кўчирилиши натижасида ўқувчилар дарсдан ташқари вақтларини мактаб устахоналарида, турли фан кабинетларида ўтказмоқдалар. Куни узайтирилган группалар тобора кўпаймоқда. Шу туфайли эндиликда мактаблар қучоғидан меҳнатсевар, билимга чанқоқ ўқувчилар эртадан-кечгача аримайдиган бўлиб қолди.

Мактаб хаётида юз берган бу ўзгаришлар ўқувчиларга ғамхўрликни кучайтириш, улар учун зарур бўлган барча маданий-маиший шароитни яратиб беришни тақозо қилади. Мактабларда буфетлар ва ошхоналар ташкил қилиш эса ана шу ғамхўрликнинг энг муҳим кўринишидир.

Республика Министрлар Совети қабул қилган махсус қарорда мактабларда буфет ва ошхоналар ташкил этиш таълим-тарбия ишларини яхшилашдаги муҳим омиллардан бири эканлиги таъкидланиб, бу соҳада маориф, савдо ташкилотлари олдига конкрет вазифалар қўйилган эди. Аммо республикамиздаги кўпгина мактабларда, жумладан, Тошкент область мактабларида бу муҳим қарор кўнгилдагидек амалга оширилмаётир. Ўтган йили областдаги мавжуд 979 мактабда фақат 80 ошхона ва 415 буфет ташкил қилинган эди. Бу йил ҳам аҳвол яхшиланмади. Областнинг Гулистон, Сирдарё, Калинин районлари мактабларининг кўпчилигида буфет ва иссиқ овқат ташкил қилинмаган. Мавжуд буфетларда эса печенье ва қимматбаҳо конфетлардан бошқа озиқ-овқатлар сотилмайди.

Янгиер район мактабларида буфет ва ошхона учун жой етишмайди, деб бўлмайди. Чунки, бу районда мактаб қурилиши ишлари яхши йўлга қўйилган. Афсуски, область ва район матлубот жамияти мактабларда иссиқ овқат ташкил қилишга эътибор бермаётир. Айрим мактаблардаги буфетларда эса болалар учун зарур нарсалар йўқ. А. Қодиров директорлиқ қилаётган 16- саккиз йиллик мактабда уч йилдан буён буфет ташкил қилиш ҳақида сўз қўзғатилади, аммо гап гаплигича колиб келмоқда. Бу соҳада «Чаноқ» посёлка Советининг раиси ўрток А. Тожибоев ҳам айбли. Қишлоқ Совети депутатлари бу тўғрида ташаббус кўрсатишмади. Район матлубот жамиятининг раҳбарлари марказий ошхоналарда овқат тайёрлаб, мактабларга термосларда етказиб беришга ваъда беришган эди. Аммо улар ўз сўзларининг устидан чиқмаётирлар.

— Биз ошхона ва буфетлар учун мактабларда жой тайёрлашимиз керак эди. Бунга имконият борича ташкил этдик. Аммо савдо ташкилотлари бу масалага яхши эътибор бермаётирлар, — дейди Тошкент область маориф бўлими мудирининг ўринбосари ўртоқ Романов. Область матлубот жамияти раҳбарлари эса, аввало, мактабларда буфет ва ошхона учун жой етарли бўлиши керак, дейишади. Хуллас, бу муҳим масалада сансалорликка йўл қўйилмоқда.

Фақат Тошкент областидагина эмас, балки бутун республика мактабларида бу муҳим масалани ҳал қилиш — мактабларда буфет ва ошхоналар ташкил этиш вақти келди.

Р. ИСҲОҚОВ.
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

КУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ МАГАЗИНИ

«Узлесстройторг» идораси аҳолига қурилиш материаллари сотадиган магазинлар қурилишига 550 минг сўм ажратди. Янги магазинлар республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида, посёлкаларида қурилади. Тошкент шаҳрида қурилган 4 та янги магазин биринчи бўлиб қурилиш материаллари билан савдо қила бошлади.

М. ЯМИНОВА.

Қизил Ўзбекистонда босилган иқтисодий

«ЧАЛАКАМ-ЧАТТИ ҲУКМЛАР»

Урганч халқ судьяси О. Қўшаеванинг халқ ишончини оқлай олмаётгани, жиноятчиларни оқлаб, арзимаган айб қилганларга жазо бергانليги шу сарлавҳа остида босилган мақолада танқид қилинган эди. Ўзбекистон КП Урганч шаҳар комитетидан редакцияга хабар қилишларича, шаҳар партия комитети мақола юзасидан текшириш ўтказганда, хатда келтирилган фактлар тасдиқланган. Шаҳар партия комитети бюроси қарори билан О. Қўшаевага социалистик қонунчиликни бузгани учун учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинган. О. Қўшаева халқ судьяси вазифасидан олиб ташланган.

Суд ижрочилари иши устидан яхши назорат ўрнатмаганлиги учун бош судья У. Раҳимов қаттиқ огоҳлантирилган.

Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозида чўчқачилик ривожланмоқда. Яқинда бу ерда катта чўчқахона қурилди. Суратда: илғор чўчқабоқар Раиса ШАМСИДДИНОВА.

А. Ким фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Баҳори экинлар экила бошланди

САМАРҚАНД. Ўзбек ғаллакорлари учун кўклам бошланди. Нурота ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли совхозлар баҳори бошоқли экинларни бошқа хўжаликлардан олдин экишга киришдилар. «Карноб» совхозининг ишчилари Норпой ишлаб чиқариш бошқармасининг баҳорикор ерларига ўз сеялкаларини чиқардилар. Дастлабки юзлаб гектар майдонга уруғ экилди.

Самарқанд қишлоқ область партия комитети суғорилмайдиган ерларга донли экинлар экишни кенгайтириш юзасидан бир группа мутахассислар ва олимларнинг таклифларини ўрганиб маъқуллади. 70 минг гектарга яқин қўриқ ва партов ерни баҳори экинлар экиш учун қўшимча тарзда ҳайдашга қарор қилинди. Бу йил областда донли экинлар майдони ярим миллион гектарга етказилади.

Бу йил областда, қариб 19 миллион пуд, яъни ўтган йилдагидан 4 миллион пуд кўп дон етиштириш кўзда тутилади. Қайрақи буғдойнинг энг яхши навларини етиштириш бир неча миллион пуд кўпайтирилади. Бу буғдойнинг унидан қилинган хамир сифатли бўлади. (ЎзТАГ).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ БЎЙЛАБ

⊙ Ленинград экскаватор заводида янги нусхадаги ер қазиш машиналари ишлаб чиқарила бошланди. «Э-302.А» экскаваторининг янги тажриба нусхаси синовдан муваффақиятли ўтди ва яхши натижалар кўрсатди: у бир соатда 96 кубометр тупроқ қазиб чиқаради — бу эса ана шундай типдаги мавжуд машиналарга қараганда учдан бир ҳисса кўпдир. Завод бу йил янги моделдаги экскаваторлардан бир неча юзтасини ишлаб чиқаради.

⊙ Белоруссия автомобиль заводи 27 тонналик самосвалларни ишлаб чиқара бошлади. Бундай автомобиллар двигателининг қуввати 360 от кучига етказилди. Экспериментал цехда янги конструкциядаги янада қудратлироқ самосвалларни йиғиш бошланди. Конструкторлар 70 тоннагача юк кўтара оладиган машиналар яратиш устида ишламоқдалар.

⊙ Тюмень гўшт комбинатида консерва цехи ишга туширилди. Бу — Тюмень областида янги йилда ишга туширилган дастлабки корхонадир. Цех бир сменада 40 минг банка консерва ишлаб чиқаради.

⊙ Львов области саноатининг новаторлари етти йиллик бошланганидан бери юз минг таклиф киритдилар. Бу таклифларнинг жорий қилинишидан олинадиган иқтисодий фойда эллик миллион сўмга етади.

⊙ Етти йилликнинг тўрт йили ичида Фрунзе шаҳрида уй-жой қурилишига 41 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Фрунзе ТЭЦнинг биринчи навбати, йирик панелли уй қуриш комбинати, гипс бетон деворлар заводи ишга туширилди. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1963 йилги плани Қирғизистон пойтахти олдида янги истиқбол очади. Капитал маблағларнинг умумий суммаси 50 миллион сўмдан ошади.

⊙ Яқин уч йил ичида Москва атрофидаги дарахтзорларнинг қиёфаси ўзгариб кетади. Пойтахт областининг 400 гектар майдондаги ўрмонларида мева-резавор боғлари барпо этишга қарор қилинди. Жарликлар, сув омборларининг қирғоқларида ўрмонлар барпо этиш ва республика аҳамиятига эга бўлган йўллар четига кўчатлар ўтказиш кенг миқёсда олиб борилади. Бунда 1100 гектар майдонга мева-резавор дарахтлари ва ёнғоқ дарахтлари ўтказиш кўзда тутилади.

⊙ Қайроқкум ва Фарҳод сув омборлари ўртасидаги ҳавзада Сирдарёда биринчи марта жуда яхши мўйнали ҳайвон — ондатра ови бошланди. Тайёрлаш пунктларига ҳозирдаёқ ондатранинг икки мингдан ортиқ териси топширилди. (ТАСС).

ВОЛГАДАГИ ТАРИХИЙ ЖАНГ

ВОЛГАДА НЕМИС-ФАШИСТ ҚЎШИНЛАРИ ТОР-МОР ҚИЛИНГАНИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Шоир Сергей Есенин: «Катта нарса олисдан яхши кўринади» деган эди. Бу усталик билан айтилган афоризм Волга-Дон дарёлари оралиғидаги кўз илғамас кенгликларда ҳамда қаҳрамон шаҳар Волгоград деворлари ёнида ярим йилдан ортиқроқ давом этган улкан жанговар эпопея ҳам таллуқлидир. Бу жанг тугаганига йигирма йил ўтиб кетган бўлишига қарамай, унинг тарихий аҳамияти тағин ҳам ёрқинроқ гавдаланмоқда. Ўтган воқеаларга жиддийроқ ёндошувчи кишилар орасида Волгадаги жангнинг иккинчи жаҳон урушининг боришини гитлерчиларга қарши коалиция фойдасига ҳал этишда буюк бурилиш ясаганлигини рад этувчилар эндиликда жуда оз.

1942 йил ёзидаги жаҳон географик картасини олиб кўринг. Бунда улуғ рус дарёси қирғоқларида олиб борилган машаққатли мудофаа жанглари ва кейинчалик қарши ҳужумга ўтилиши прогрессив кучларнинг агрессия ва фашизмнинг қора кучларига қарши курашнинг юқори нуқтаси бўлганлигини дарҳол пайқаб оласиз. Ўша вақтда Шарқий ярим шарнинг жуда катта ҳом ашё ресурсларига, юксак тараққий этган саноати ва қишлоқ хўжалигига эга бўлган қисми герман монополистлари ҳамда уларнинг иттифоқчилари қўлида эди. Қулликка солинган мамлакатлардаги озодлик ҳаракатлари ҳам унчалик кучайманган эди. Фашизм шарқ томонда Дон қирларидан тортиб ғарбда Бискай қўлтиғигача ва Шимолдан Баренц денгизидан тортиб жанубда Ўрта ер денгизининг то Африка қирғоғигача бўлган катта майдонни ўзининг даҳшатли чангалига олган эди. Шу билан бир вақтда Тинч океани ҳавзасидаги катта территория фашизм Германиясининг ғуманштаси — Япония томонидан эгалланган эди. Бу уруш саҳнасида стратегик ташаббус агрессорнинг қўлида бўлиб турди. Япон милитаризми бу вақтда гитлерчилар армияси билан яккама-якка курашаётган совет халқига орқадан зарба бериш учун қулай пайтни кутиб турар эди.

Ғарбнинг раҳбар сиёсий арбоблари уруш давом этиб турган ўша пайтлардаёқ Волгадаги жангнинг аҳамиятини юксак баҳоладилар. Буларнинг орасида АҚШнинг президенти Франклин Рузвельт ҳам бор эди.

Яна шу нарса характерлики, уруш даврида бараннинг ҳариги томонида бўлганлар ҳам эндиликда Совет Армиясининг Волгадаги жангда эришган ғалабаси улуғворлигини тан олишга мажбур бўлмоқдалар. Масалан, немис генерали Ганс Дёрр ўзининг «Сталинградга юриш» деган китобида шундай деб ёзади: «1942 йилда Сталинград иккинчи жаҳон урушининг бурилиш нуқтаси бўлди. Сталинграддаги жанг Германия учун унинг тарихидаги энг оғир мағлубият. Россия учун эса ғоят улкан ғалаба бўлди».

Сурункасига 200 кеча ва кундуз чўзилган бу жанг (мен ҳам шу жангларда иштирок этган эдим) тўғрисида қисқача ҳикоя қилиб бериш анча қийин. Мен ҳукумат топшириғи билан бир вақтнинг ўзида Волга-Дон стратегик йўналишидаги иккі фронтга қўмондонлик қилишдек юксак шарафга муяссар бўлдим. Бу вақтда менинг қатта бахтим шу бўлдики, мен ўзимнинг энг масъулиятли командирлик фаолиятимда бу икки фронт Ҳарбий Советининг аъзоси Никита Сергеевич Хрушчевга жуда қаттиқ суянган эдим. У ҳар доим бевосита қўшинлар орасида иш олиб борар эди.

Шу пайтгача тарихда бўлиб ўтган жангларни ўз кўлами билан ортда қолдирган Волга жангини характерлаб беруючи бир неча факт ва рақамларни келтириб ўтай. Деярли 100 минг квадрат километр территорияни қамраб олган бу жангнинг бир неча босқичларидаги курашларда 2 миллиондан ортиқ киши, 26 минг тўп ва миномёт, 2 мингдан ортиқ танк ҳамда шунча самолёт қатнашди. Шаҳар ҳимоячилари душманнинг 800 дан ортиқ шиддатли атакасини қайтардилар ва унга қарши деярли шунча қарши ҳужум уюштирдилар. Июлдан то ноябргача, яъни жангнинг мудофаа даврида Гитлер армияси ва Германия иттифоқчилари қўшинлари 650 мингга яқин солдат ҳамда офицерини йўқотди. Қарши ҳужумга ўтилгандан кейинги икки ярим ой мобайнида эса Волга ва Дон қирларининг поёнзи ерларида душманнинг 5 армияси, шу жумладан, 2 немис, 2 румин ва 1 итальян армияси тор-мор келтирилди. Душман 32 дивизияни ва 3 бригадани бутунлай йўқотди, 16 та бошқа дивизия ўзини ўнглаб ололмас даражада талафотга учради. 1942 йилнинг 19 ноябрдан то 1943 йилнинг 2 февралигача бўлган қарши ҳужум даврида гитлерчилар ва уларнинг иттифоқчилари 800 минг киши, 10 минг тўп ва миномёт, 2 мингга яқин танк ва ўзи юрар артиллерия установкаси, яна шунча жанговар ва транспорт самолётларини йўқотди. Жанг даврида ўлдирилган, ярадор қилинган ва асирликка олинганлар ҳаммаси бўлиб бир ярим миллионга етди. Бу эса Совет Герман фронтида ҳаракат қилаётган душман кучларининг чорагидан кўпроғини ташкил қилар эди.

А. ЕРЕМЕНКО,
Совет Иттифоқи Маршали.

Каркидон сув омбори қурилишида энг кучли ер кавлайдиган машиналар ишламоқда. Суратда: «МАЗ-229» автоскрепернинг шофери Амид УСЕЙНОВ.
Г. Перменев фотоси.

<> <>

Энг муҳим натижа шу бўлдики, Совет Армияси ана шу ташаббусни ўз қўлига олди ва уни ҳеч қачон қўлдан бермади.

Вермахтнинг олий қўмондонлиги 1942 йил кампанияси давомида бир неча кучли зарба билан Совет Армияси қаршилигини яксон этишга ва мамлакатимиз устидан ғалаба қозонишга уриниб кўрди. Бунда аввало СССРнинг саноат ва қишлоқ хўжалиги жиҳатидан анча бой бўлган Европа қисми жанубидаги районларни эгаллаб олиш, сўнгра ҳаракатни марказий ва шимолий участкаларга кўчириш планлаштирилган эди.

Душман ўзининг Шимолий Кавказ ва Закавказьега қиладиган юриши муваффақиятли чиқиши учун ўз қанотларининг хавфсизлигини таъминлаши зарур эди. Шунинг учун ҳам, у Волгаградни шиддатли ҳужум билан олишга уринди. Бироқ Гитлер режасига совет қўмондонлигининг, бутун халқимизнинг режаси қарамақарши қўйилган эди. Волга-Дон оралиғидаги олдин ёрдамчи ҳисобланган йўналиш асосий йўналишлардан бири бўлиб қолди. 6-герман армиясидан бошқа бу ерда душман яна бешта армияни йиғишга мажбур бўлди. Бу кучлар қаттиқ жанг гирдобига тортилди, аввал ҳар бир марра учун, кейин эса ҳар бир шаҳар кварталн, ҳар бир корхона, уй, ҳатто ҳар бир қават учун бўлган жангларда душманнинг тинкаси қуриди. Ана шундан сўнг ғоятда улкан режа — Волгага томон чўзилган душман группаларига тўсатдан қарши ҳужумга ўтиш билан уларни ўраб олиш ва тор-мор келтириш режаси амалга оширилди.

1942 йилнинг 6 октябрида Сталинград фронтининг Ҳарбий Совети бу режанинг асосий идеясини баён қилувчи ҳужжатни Ставкага юборди, унда бундай дейилган: «Душманни Сталинград районида қириб ташлаш вазифасини ҳал этиш масаласини шимолдан Калач йўналишидаги кучли группалар зарбасидан ҳамда Абганеро йўналишидаги 57- ва 51-армия фронтидан ва сўнгра Шимолий Ғарбдан бўладиган зарбалардан изламоқ керак, 57 ва 51-армиялар рўпарасидаги душманни тор-мор қилиб, кейинчалик эса Сталинград тўдасини ҳам маглубиятга учратиш мумкин».

Фронт қўмондонликлари (Сталинград, Жанубий-Ғарб, Дон). Бош штаб ва Ставка коллектив ижодининг меваси бўлган қарши ҳужумга ўтиш плани маҳорат билан амалга оширилди. Натижада икки герман армияси халқа ичида қолди. Қанотларда турган сателлитлар армияси эса қисман ёки бутунлай яксон этилди. Қуршовда қолганларни қутқариш учун Гитлер томонидан кўрилган қаттиқ чора ва уринишлар барбод этилди ва ана шу мақсад учун махсус юборилган машҳур гитлерчи фельдмаршал Манштейн қўмондонлигидаги қўчлар яксон этилди.

Бу райондаги операциялар режасини тузишда ва раҳбарлик қилишда Сталининг ҳал қилувчи роли тўғрисидаги афсонани тўгатмоқ зарур. Унинг роли шахсга сиғиниш ҳукмронлик қилган даврда ҳаддан ташқари ошириб юборилган. Аслида унинг кўпчилик кўрсатмалари умумий ва ноаниқ характерга эга бўлар эди, баъзи бир қарорлари эса, хатоликдан иборат бўлган. Масалан, у августнинг бошларида шаҳарни мудофаа қилиб турган фронтни иккига ажратишга буйруқ берди. Бу — шаҳар мудофаасини жуда қийинлаштириб юборди, биргаликда ҳаракат қилишга ҳалал берди, қимматли дамларнинг фойдасиз ташкилий тадбирлар учун мақсадсиз ва беҳуда исроф бўлишига олиб келди. Ўн кунча вақт ўтиб кеттандан сўнг икки фронт учун яна ягона қўмондонлик тузишга тўғри келди. Бироқ, бу пайтга келиб анчагина қулай имкониятлар қўлдан бой берилган эди.

Волгадаги жангда Ватутин, Рокоссовский, Шумилов, Чуйков, Малиновский, Толбухин, Лопатин, Чистяков, Батов, Желтов, Гуров, Крилов, Малинин, Романенко, Галанин, Герасименко, Родимцев, Людников ва бошқа кўпгина шуҳрат қозонган совет ҳарбий бошлиқлари фронт ва армия қўмондонлиги, Ҳарбий Совет аъзолари ва штаб бошлиқлари лавозимларида ишладилар. Бу ерда душманнинг 70 танкини қириб ташлаган 33 гвардиячи, лейтенант Баскаковнинг батареячилари, мерган Зайцев, ҳарбий денгизчи Паникако, алоқачи сержант Путилов, учувчи қиз Нина Беляева ўзларининг ўлмас жасоратларини намойиш қилдилар.

Волгоград деворлари ёнида кўрсатилган жасоратларни санаб чиқиш бу жангда қатнашганларнинг номларини санаб чиқиш каби қийин. Ғалабани қўлга киритиш учун фақат айрим жангчиларгина эмас, балки бутун-бутун бўлинмалар, полклар, дивизиялар, корпуслар ва армиялар қаҳрамонлик кўрсатдилар, букилмас иродани намойиш қилдилар. Бу жангда иштирок этган 30 минг жангчи ҳукумат мукофотларига сазовор бўлди.

Волгадаги бу шаҳар 1925 йилгача Царицин деб аталар эди. Унинг Сталинград деб ўзгартирилиши Сталин шахсига сиғиниш бошланишининг дастлабки нишонаси эди.

Шуни айтиш керакки, гражданлар уруши йилларида ҳам Сталиннинг роли ҳаддан ортиқ бўрттириб юборилган.

Халқимизнинг мардлиги, қаҳрамонлиги, жонбозлиги ва юксак олижаноблигининг символи бўлиб қолган бу шаҳар ўзбошимчалик билан ва қонунга хилоф ишлар қилган кишининг номи билан аталиши мумкин эмас. Шунинг учун бу шаҳар деярли тўрт ярим асрдан ортиқроқ вақтдан буён шаҳар қирғоғини безаб келаётган улуғ рус дарёсининг машҳур ва жарангдор номини олди.

Волга қирғоқларидаги ажойиб жасорат халқимизнинг коммунистик жамият қурилиши йўлида, фан ва техника тараққиёти соҳасида олиб бораётган улуғ ишлари билан ҳамоҳангдир.

Тарихий жангнинг йигирма йиллик юбилейи тинчликсевар кучларнинг Карибе денгизи танглиги муносабати билан инсоният устида хавф бўлиб қолган термоядро урушининг олди олинган даврда нишонланмоқда.

Совет халқи тинчлик истайди ва уни қаттиқ туриб ҳимоя қилади. Бироқ Волгадаги ғалабанинг йигирма йиллиги нишонланаётган кунларда шуни эслатиб ўтиш ўринлики, халқимизнинг тинчликсеварлиги унинг қўрқоқлиги ва кучсизлигидан эмас. Ўтган уруш ҳарбий қудратимизни ёрқин намойиш қилди. Эндиликда биз ғоятда такомиллашган қуролларга эгамиз. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига нисбатан зўравонлик сиёсати ўтказишдан воз кечишни истамаётганлар буни ҳисобга олиб қўйишлари керак.

Эълонлар. Томошалар.

РАДИО

23 ЯНВАРДА

Биринчи программа: 7.40 — Пионер эрталиги, 8.25 — Концерт (область театрлари артистлари ижросида), 10.10 Концерт (Ўзбекистон радио ва телевидение халқ чолғу оркестри ва солистлари ижросида), 11.20 — Музикали алифбе (рус тилида), 12.30 — Романс ва қўшиқлар, 13.30 — Халқ рақслари, 15.35 — «Бизнинг режалар» (музикали эшиттириш), 16.15 — «Радиопочта» (ёшлар учун ўзбек тилида), 17.40 — Янги ҳикоялар (ўзбек тилида), 18.05 — Ғ. Қодировнинг «Доим ёдимиздасиз» қўшиғи ўрғатилади, 18.30 — Ўзбекистоннинг музика маданияти, 19.20 — Концерт (қозоқ куйларидан), 20.00 — Қишлоқ хўжалик темасида (рус тилида), 20.10 — Вокал санъат усталари, 20.45 — В. И. Ленин халқ контроли ҳақида (ўзбек тилида суҳбат), 22.05 — Поэзия кечаси (ўзбек тилида), 22.25 — Халқ қўшиқлари кечаси, 23.10 — Саволларга жавоб (музикали эшиттириш).

Иккинчи программа: 19.00 — «Ўғай она бўлишни истамайман» (татар тилида радиопьеса), 20.10 — Қўшиқ ва рақслар, 20.45 — Чехословак радиоси эшиттириши, 21.00 — Концерт (Тожикистон халқ ҳофизлари ижросида), 21.30 — Концерт (корейс куйларидан).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

23 ЯНВАРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Кечаги, бугунги ва эртанги Тошкент** (мактаб ўқувчилари учун), 18.35 — **Рус тили ҳақида** (ёшлар учун суҳбат), 18.55 — **Телевизион янгиликлар**, 19.10 — **Украин қўшиқлари**, 19.30 — **Қишлоқ хўжалик янгиликлари** киножурнали, 19.50 — **Дон Сезар де Базан** номли фильм-спектакль.

Ўзбек тилида: 21.25 — **Баҳорги экишга намунали тайёргарлик кўрайлик** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 21.35 — **Телевизион янгиликлар**, 21.50 — **Мутал Бурҳонов** («Ўзбекистон композиторлари» циклидан), 22.50 — **Сўнгги ахборот** (ўзбек ва рус тилларида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 19.30 — **Пойтахтимиз меҳмонлари**, танаффус вақтида — **Киножурнал.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/I да **Кулган киши**, 24/I да **Фауст.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/I да **Нурхон**, 24/I да **Алпомиш.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Зинаида Тарасова ва Украина цирки артистларининг сўнгги гастроллари.** Томоша кеч соат 7 яримда бошланади.

КИНО

Сафра — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Бир қишлоқ йигитлари — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Уч мушкетёр — НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ДРУЖБА» (1-залда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Тош устидаги гул — «ЕШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 да), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Тўйдан кейин — «ЕШ ГВАРДИЯ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Қўрқоқ — «ДРУЖБА» (2-залда кундуз ва кечқурун).

Серқуёш водий серенадаси — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Юлдуз биродарлари — КИНОЛЕКТОРИЙ (кундуз ва кечқурун).

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Геология фанлари бўлимининг бирлашган илмий совети билдирадики,

Н. А. Симоненко ва **Х. М. Юсуповнинг** геология-минералогия фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

9 январга эълон қилинган

ДИССЕРТАЦИЯЛАРИНИ ЁҚЛАШ

23 январга кўчирилди.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
24 январда
ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИ
КОНЦЕРТИ

СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати **Галия Измайлова**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Берта Давидова**, **Кундуз Миркаримова**, **Коммуна Исмоилова**, ўзбек ашула ва ракс ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Қизилқўча, 2-тупик, 7-уйда турувчи **Анвар Аҳмеджанович Нугаевнинг** Собир Раҳимов кўчаси, 88-уйда турувчи Хина Абдурахмановна Нугаевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.
Индекс 64543.
Р. 06146. Нашр. № 19.

Оламда нималар гап

БЕРЛИН, 21 январь. ТАСС махсус мухбири В. Селиверстов хабар қилади:

Бугун Германия Бирлашган социалистик партиясининг VI съезди ўз ишини давом эттирмоқда.

Ерталаб ёпиқ мажлис бўлиб, унда партиянинг раҳбар органлари сайланди.

Соат 12 да очиқ мажлис бошланди.

Раислик қилувчи, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Ф. Эберт машҳур немис рассоми профессор Отто Нагелга сўз беради. О. Нагель бугун вафот этганига 39 йил тўлган улуғ Ленин ҳақида ҳаяжон билан гапиради, унинг оиласида В. И. Ленин вафот этганидан кейин олинган маска азиз ёдгорлик сифатида сақланиб келаётганлигини айтади. Маскани йигирманчи йилларда рассомга совет ҳайкалтароши С. Меркуров совға қилган эди. Фашизм ҳукмронлик қилган даврда маска ишончли жойга яшириб қўйилган ва немис антифашистлари томонидан сақлаб қолинган эди.

Отто Нагель В. И. Ленин вафот этганидан кейин олинган маскани Германия Бирлашган социалистик партиясининг VI съездига топширади.

Япония Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Хироюки Окамото, Жазоир Компартияси Марказий Комитетининг секретари Башир Хож Али, Чили Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Орландо Мильяс, Испания Коммунистик партиясининг бош секретари Сантьяго Каррильо съезд делегатларига, Германия Бирлашган социалистик партиясининг барча аъзоларига, ГДРнинг барча меҳнаткашларига дўстона салом сўзлари билан мурожаат қиладилар.

Сайлов комиссиясининг раиси В. Шмидтга сўз берилади. Янги устав асосида ўтказилган Марказий Комитет сайлови натижаси, дейди у, партиямиз сафларининг бирлиги ва жипслигини намойиш қилди.

Минбарга В. Ульбрихт чиқади. У, съезд ғоят катта аҳамиятга эга бўлган қарорлар қабул қилганлигини айтади. Съезд қабул қилган партия программаси немис халқининг порлоқ келажаги сари йўл очиб беради. Бу — социализм қурилишини авж олдириш программасидир. Съезд, деди В. Ульбрихт, Германия Бирлашган социалистик партияси немис халқининг етакчи кучи эканлигини кўрсатди.

Н. С. Хрушчевнинг съездда нутқини, деди сўнгра В. Ульбрихт, съезд қатнашчилари қизғин қўллаб-қувватладилар. Бизнинг партиямиз тинчлик учун, немис халқининг тинч истиқболи учун бор кучи билан кураш олиб боради.

Ф. Эберт съездни ёпиқ деб эълон қилади. Залда овация янграйди, ҳамма ўрнидан туради. Делегатлар ва меҳмонлар «Интернационал»ни айтадилар. «Френдшафт!», «Дўстлик!», «Тинчлик!», «Ура!» хитоблари янграйди.

МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ БАЙРОҒИ ОСТИДА

ГЕРМАНИЯ БИРЛАШГАН СОЦИАЛИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ VI СЪЕЗДИДА

Норозилик кучаймоқда

Бергамо шаҳридаги уч корхона металлистларининг забастовкаси бошланди. Улар корхона эгалари билан янги коллектив шартнома тузилишини талаб қилиб чиқмоқдалар.

Флоренцияда «Фивре» электр приборлари ишлаб чиқарадиган корхонанинг ишчилари курашни давом эттирмоқдалар. Улар 150 кишининг ишдан бўшатилишига қарши норозилик билдирмоқдалар. Иш ташловчилар шаҳар кўчаларида намойиш ўтказдилар. Флоренция аҳолиси меҳнаткашлар билан бирдам эканлигини билдирмоқда.

Леччеда тамаки фабрикаларининг ходимлари забастовка қилмоқдалар. Улар ҳам янги коллектив шартнома тузилишини талаб қилмоқдалар. (ТАСС).

У ТАННИНГ КВАМЕ НКРУМАГА ЖАВОБИ

НЬЮ-ЙОРК, 21 январь. (ТАСС). БМТ бош секретари У Тан Гана президенти Кваме Нкруманинг Катанга сепаратчилари бошлиғи Чомбени қамоққа олиб, уни судга бериш ҳақидаги талабини рад қилди.

Илгари хабар қилинганидек, Нкрума У Танга юборган ва 17 январда Аккрада эълон қилинган мактубида мустамлакачиларнинг қўғирчоғи Чомбени қамоққа олиб, уни судга беришни талаб қилган эди. Нкрума БМТнинг Конгодаги вакиллари Конгонинг биринчи бош министри Патрис Лумумбани ўлдиришда айбдор бўлган Чомбе ва унинг «ҳукумати» билан энди ҳеч қандай алоқа қилмасликлари керак, деб уқтирган эди.

БМТ бош секретари Каганга сепаратчилари нинг бошлиғини қамоққа олишдан нима учун бош тортганлигини асослаб, ўз мактубида «Чомбе вилоят президенти бўлиб, бошқа вилоятларнинг президентлари қандай ваколатларга эга бўлса, у ҳам худди ана шундай ваколатларга эгадир», деб ёзади.

3-КОСМОНАВТ ИНДОНЕЗИЯГА КЕЛДИ

ЖАКАРТА, 21 январь. (ТАСС). Совет космонавти Андриян Николаев Индонезия Республикаси президенти Сукарнонинг таклифига биноан бугун Жакартага келди.

ҲУҚУҚ УЧУН КУРАШ

УРУГВАЙ

Монтевидео шаҳар транспорти ходимларининг бир ҳафта давом этган забастовкаси меҳнаткашларнинг ғалабаси билан тугади. Маъмурият иш ташловчиларнинг барча талабларини қондиришга, шу жумладан ўтган бир неча ой учун иш ҳақи тўлашга ва ишчиларга ҳар йили тўланадиган нафақа беришга мажбур бўлди.

АНГЛИЯ

Иш ҳақини оширишни талаб қилаётган ва шу муносабат билан «суст суръатлар билан» ишлаётган Англия электростанцияларининг ишчиларига касаба союзларининг ўнг раҳбарлари хоинлик қиляпти.

Касаба союз амалдорлари олиб борилган музокараларда иш ҳақининг озгина оширилишига рози бўлдилар. Улар илгари буни рад этган эдилар.

Ана шу касаба союзларининг цех оқсоқоллари «ҳукуматнинг таклифи остида ва капиталистик матбуотдаги туҳмат чилик кампания таъсири остида» касаба союзларининг расмий раҳбарлари қабул қилган қарорга рози эмасликларини билдирдилар.

АҚШ

Нью-Йорк матбаачиларининг забастовкаси давом этмоқда. Газета ходимларининг бирбирига яқин касаба союзлари бу забастовкани қўллаб-қувватламоқда.

Матбаачилар иш ҳақининг оширилишини, иш ҳафтасининг камайтирилишини, касаллик бўйича отпускаларга бир йилда беш кун давомида ҳақ тўланишини (ҳозирги вақтда касаллик бўйича йилига фақат бир кун ҳақ тўланмоқда) талаб қилмоқдалар.

Корхона эгаларининг вакили Брэдфорд матбаачилар касаба союзининг газета нашрлари уюшмаси билан музокараларини барбод этди. У, ишчилар ўз талабларидан чекинишни истамайдилар, деб уларни айблади ва мажлисдан чиқиб кетди.

(ТАСС).

Редактор
З. И. ЕСЕНБОЕВ

Мухбирларимиз СИГНАЛИ

МЕНДАН КЕТГУНЧА...

Бундан икки йил муқаддам мактабимизга қўшимча бино қурила бошланди. Дарсларни бир сменага кўчириш имконияти туғилди, деб хурсанд бўлдик. Аммо, қурилиш жуда чўзилиб кетди. Фақат ўтган йилнинг охирларидагина мактаб биноси битказилди. Янги бинода бир ҳафта дарс олиб борилди-ю, қурилишнинг «сир»и очилиб қолди: тўрт хонанинг сувоқлари тушиб кетди, эшиклар очилса ёпилмайди, ёпилса очилмайди. Эшик тирқишидан кирган совуққа чидаб бўлмайди. Хуллас қурувчилар мактабни «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида қуришган экан.

Биз бу ҳақда шаҳар ремонт-қурилиш участкасининг бошлиғи ўртоқ Бобожоновга мурожаат қилдик. Кўп муноза-ралардан сўнггина янги бинони қайтадан ремонт қилдиришга эришдик. Аммо унга кетган ортиқча харажатларга ачинасан киши. Ахир бунга давлатнинг 30 минг сўмга яқин пули сарфландида.

Б. Авазжонов,
Хўжайли шаҳридаги ўрта мактаб директори.

КЛУБ ЎРНИГА ТОВУҚХОНА

Тошкент область, Сирдарё районидаги «Ўзбекистон» колхози қишлоғида клуб биноси қурилган эди. Бу ерда икки-уч марта кинофильм кўрсатилди. Шундан сўнг колхоз раиси М. Алимуҳамедовнинг буйруғи билан бу бино товуқхонага айлантирилди. Колхозчиларга эса «Янги, ҳашаматли клуб қурамиз» деб ваъда бериб юборилди. Мана, орадан икки йил ўтди ҳамки, янги клубдан дарак йўқ. Эски клуб биноси эса эндиликда автогаражга айлантирилган. Шундай қилиб, колхозда меҳнаткашлар учун маданий дам оладиган жой йўқ.

Х. Сонбназаров,
У. Алимов.

ДАВОЛАШ ПУНКТИ ДОИМ ҚУЛФ

Пастдарғом районининг «Чимбойобод» колхозидаги даволаш пунктининг эшигида қачон қараманг катта қулф солинган бўлади. Ҳолбуки бу даволаш пункти 2000 дан ортиқ кишига хизмат қилиши керак. Даволаш пунктининг мудири С. Рустамов яқинда медицина техникумини битириб келган ёш мутахассис. Аммо у ташаббус кўрсатиб ишламаётир. Даволаш пункти тор, совуқ бинога жойлашган. Чимбой қишлоқ Советининг раҳбарлари эса бу камчиликларни кўра-била туриб парвойи палак юрибдилар.

А. Зоиров.

ХУШХЎР СИЛОС ВА ТАРҒИЛ ҚИССАСИ

Ҳазорасп районидаги Фрунзе номли колхозда чорва қишлови ёмон ташкил этилганлиги туфайли мавжуд қўй, қорамол ва чўчқалар ориқлаб кетган, соғин сигирлар сутни камайтириб юборган.



Мамат лаппос мол ёйиб,
Ултирувди гердайиб,
Эсди аччиқ изғирин,
Сигирлар бирин-сирин
Ғуж бўлишди тумшайиб.
Бироқ, тарғил қийшайиб,
Жуфтакни ростлаб қолди —
Зумда кўздан йўқолди.
Мамат от чопиб ҳар ён,
Қирма-қир кезди сарсон.
Қўшни колхоз фермасин
Оғилида олиб тин,
Тўйиб хушхўр силосга,
Қиё боқмас лаппосга,
Тортди, тарғил турмади,
Харчанд урди, юрмади...
Мамат миниб келган от,
Тарғилга деди: «хайҳот,
Биласан эканг феълин,
Ранжитма унинг кўнглин»!
Тарғил, отга хўмрайиб
Деди: айт, кимда айб?!
Бу йил ҳам қишловимиз,
Чакка хона, оғил муз!
Усти очиқ ғиз-ғизон,
Қақшатади қор-бўрон,
Силос ҳам мўл-кўл эмас,
Мамат лаппос гам емас.
Ўтган қиш дийдирашиб,
Тинка қуриб мудрашиб,
Хашак деса тамшаниб,
Ем ишқида ўртаниб,
Зўрга чиқди кўкламга,
Нимасин айтай сенга?
Бу фермага бир қара,
Чорваси мамнун яйрар.
Бирдек семиз қишу ёз.
Еми мўл, қишлови соз,
Бизнинг мудирга ўят!
Ишёқмас бўлса, мудир,
Фермада аҳвол шудир.

Ж. АСОМИДДИНОВ.

Бердаҳ номидаги Давлат филармониясининг солистлари Қорақалпоғистон адабиёти ва санъатининг Тошкентда ўтадиган декадасига зўр тайёргарлик кўрмоқдалар. Суратда: балет солистлари Ўзбекистон ССР халқ артисти Лизахоним ПЕТРОСОВА томонидан саҳнага қўйилган «Маккажон — маликажон» рақсини ижро этмоқдалар.

Р. Саидов фотоси.